



# ИШОНЧ

39

1993  
ИИЛ  
25 сентябрь  
1 октябрь  
[132]

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



## ҚАСРИ ОРИФОНДАН ТАРАЛГАН НУР

БУХОРОДА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ



**ҲАЗРАТИ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД...** Тасаввуф илмининг пири комили саналмиш бу табаррук зот ислом оламида қадимдан маълум ва машҳур. Унинг дину иймон, инсофу адолат, ҳаётга, меҳнатга, инсонга муҳаббат руҳи билан йўғрилган фалсафий таълимоти асрлар оша миллионлар қалбини забт этиб келмоқда.

Шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан миллий ва маънавий қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Вақт ҳамма нарсани жой-жойига қўйяпти. 16—18 сентябрь кунлари Бухорои шарифда ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантанали нишонланганлиги фикримизга ёрқин мисолдир. Вилоят шаҳар ва қишлоқларида байрамга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилди. Нақшбандий тариқатини яратиб, дини исломни ўлмас таъминот билан бойитган аллома юбилейи умумхалқ шодиёналарига айланиб кетди.

16 сентябрь Бухорои шариф эрта тонгданоқ қутлуг маъракага ташриф буюрган меҳмонларга кучоқ очди. Туркия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, АҚШ, Покистон, Миср, Малайзия шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари, республикамизнинг барча вилоятларидан келган ислом намояндлари, олимлар, тарихчилар, жамоатчилик вакиллари аллома ҳоқи покини кўзга суртиб, тавоф қилдилар. Улуғ инсоннинг табаррук руҳи олдидаги қарздорлик бурчи уларни бу ерга жамулжам этган эди. Шу кунни Баҳоуддин Нақшбанд музейи тантанали суратда очилди.

Бир вақтлар вайронага айланган Қасри Орифоннинг эндиги қиёфаси ўзгача. Қисқа муддат ичида бу ерда 1 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Баҳоуддин Нақшбанд даҳмаси миллий услубда қайта таъмирланиб, емирилган мрамор тошлар янгиланди. Зиёратгоҳдаги Ҳаким Қўшбеги масжиди, сақоҳона, жомеъ масжиди, XVIII аср бошларида барпо этилган минора иккинчи умрини бошлади.

Тантаналар тушдан сўнг шаҳардаги «Спартак» ўйингоҳига кўчди. Байрамона безатилган ўйингоҳ яқин кунлар ичида бунчалик серфайз, гавжум бўлмаган эди. Тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтиш кифоя: миллий курашнинг бухороча усули бўйича ўтказилган халқаро мусобақада қирққа

яқин мамлакатдан келган 300 нафар полвонлар ўзаро куч синашдилар.


17 сентябрь кунни чошгоҳда зиёратчилар тушган автобуслар алломанинг волидаи мухтарамаси Биби Орифа дафи этилган даҳма томон йўл олди. Бу ерда ҳам катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Миллий услубда жило берилган кўҳна обидаларнинг сиркор пештоқлари қуёш нурида ял-ял товланди. Тантана иштирокчилари Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси ҳамда ул зотнинг оналари қабрини зиёрат қилдилар. Шундан сўнг Куръони каримдан оятлар ўқилиб, марҳумлар ҳақида тиловат қилинди.

Шу оқшом меҳмонлар ибн Сино номидаги маданият саройига тўпландилар. Тантанали йиғилишни вилоят ҳокими Д. Едгоров очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, аллома юбилейини ўтказиш комиссияси раиси М. Қорабоев республика Президенти ва ҳукумати номидан самимий табриклади. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси шайх Абдуғани Абдуллаев маъруза қилди. БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Башир Малик, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Туркия элчихонасининг масъул ходими Муҳаммад Уздемир, покистонлик нақшбандийшунос олим, Карочи университети профессори Аҳмад Ҳасан Дониш ва бошқалар сўзга чиқиб, улуғ ҳазрат номини абадийлаштириш, унинг беназар таълимотини кенг тарғиб этиш ҳақида гапирдилар.

Меҳмонлар ҳазратнинг ғойибона пири Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний Ватанида бўлиб, унинг мақбарасини зиёрат қилдилар, тарихий обидаларни кўздан кечирдилар. Шунингдек, улар Бухоро тумани Усмон Юсупов номидаги жамоа ҳўжалигида, Жондор туманидаги Хамза номи жамоа ҳўжалигида ҳам бўлдилар.

Буюк аллома таваллудининг 675 йиллиги тантаналарида Республика Президенти Ислам Каримов, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қатнашдилар.

«Ишонч» мухбири.



Суратларда тантаналардан лавҳалар.

### Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий Кенгаши ҳайъати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳайъатининг йиғилишида Россия Федерациясида бўлаётган воқеалар, авваламбор, Россиянинг ўз ички иши эканлиги, чунки Россия—

буюк ва суверен давлатлиги, унинг тақдирини, унинг келажакини ва бошқарув тузумини унинг ўз халқи ҳал қилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

● **ТУРКИЯ** пойтахтидаги «Буюк балет» театрида Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари тантанали равишда очилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг «Юнайтед техноложис» корпорацияси Президенти Жорж Дэ-

вид бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** пахта терими зўр уюшқоқлик билан бошланиб кетди. «Ок олтин» ҳосилни йиғиб-териб олишда Хоразм ва Сурхондарё вилояти деҳқонлари карбонбошилик қилмоқдалар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Ваҳодир Пулатович Қайюмов «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Навоий конметаллургия комбинати жамоасини қорхонанинг 35 йиллиги муносабати билан самимий табриклади.

● **БУХОРОДАГИ** Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ меҳнатқошлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият

ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи» унвонларига сазовор бўлдилар.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президентининг Фармонига биноан «Тошкент тўқимачилик комбинати» ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимларидан бир гуруҳига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саннат ходими» фахрий унвонлари ва Республика Фахрий ёрликлари берилди.

МАЪЛУМКИ, шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов республика касабаси уюшмалари Федерацияси фаоллари билан учрашганида бозор иктисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини ўзгартириш, чунончи, адресли ёрдамга ўтиш, боқимандаликка барҳам бериш тўғрисида йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар берди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясидаги нутқида ҳам Ислоҳ Каримов «Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқичга келдик, — деди. — Ҳаёт ижтимоий ҳимоялаш механизмининг чуқурлаштириш зарурлигини такозо этмоқда. Ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг ҳаммасига эмас, балки кўпроқ ҳамда ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган қатламларига кўпроқ ҳажмда йўналтирилиши керак».

Термиз туманидаги «Янгиарик» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган давра суҳбатидан ижтимоий муҳофаза бўйича илгари сурилган бу вазифаларни бажариш соҳасида сурхондарёликлар олиб бораётган тадбирлар ҳақида сўз борди.

Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва вилоят кенгашилари, вилоят ва туман тармоқ кўмиталари, бошланғич ташкилотлар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Суҳбатда сўзга чиққан вилоят касабаси уюшмалари кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ ноибни Химойиддин Шарофутдинов касабаси уюшмаларининг ижтимоий муҳофаза соҳасидаги ишлари ҳақида шундай деди:

— Йилнинг ўтган ойлари давомида муҳтож оилалар, боқувчиси йўқ фуқароларга 1 миллион сўмлик кийим-кечак, совға-салом улашдик, моддий ёрдам кўрсатдик, 3320 нафар киши давлат ижтимоий суғуртаси маблағи ҳисобидан вилоятдаги Хонжица оромгоҳида хордик чиқардик. Йил бошидан бери 5700 дан зиёд киши касабаси уюшмалари йўлланмалари билан ўз саломатликларини тиклаб қайтди. Байналмилалчи жангчилар ва Чернобыль атом электр станциясида ишлаб соғлигини йўқотганларга 157 та йўлланма тарқатдик. Вилоят болалар жамғармаси билан биргаликда Сарносийда 20 болага 300 минг сўмликдан ошқ кийим-кечак совға қилинди. Бойсунда 8 нафар боланинг суннат тўйини ўтказдик.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин. Аммо бизнинг ҳозирги энг муҳим ишларимиздан бири ижтимоий ҳимояни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш; уни аниқ адресли, энг муҳтож оилаларгагина йўналтирилишини таъминлаш, боқимандалик, ёппасига тенглаштиришга барҳам бериш тўғрисидаги Президентимиз сиёсатини халққа етказиш ва уни амалга оширишга амалий ҳисса кўшишдан иборатдир.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова ҳам ўз сўзида ҳозирги ижтимоий сиёсатнинг моҳияти, уни ҳаётга тадбиқ этишда касабаси уюшмалари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бозор иктисодиётига ўтиш даврида касабаси уюшмаларининг фикри аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, ҳукукий давлатнинг қонуний асосларини яратишга, барча жойда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилмоқда, — деди М. М. Тўлаганова, —

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов билан касабаси уюшмалари фаолларининг учрашуви бу борадаги вазифаларимизга янги йўналиш бахш этди ва у бизнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги фаолиятимизни янги мазмун билан бойитди. Президентимиз учрашувда сўзлаган нутқида ҳозирги пайтда давлатнинг дотация маблағидан аҳолининг эҳтиёжманд қисми қатори бой — бадавлат қисми ҳам бирдай фойдаланаётгани, бу эса боқимандаликни вужудга келтираётганини таъкидлади. Бу жуда ҳам адолатли фикр! Агарда биз давлат хазинаси маблағидан фақат эҳтиёжманд табақани ҳимоя қилсак, у ҳолда ортиб қоладиган маблағларни касабаси уюшмалари тақлиф этаётган мактаблар, болалар

лан танишдилар. Улар «Янгиарик» жамоа хўжалигида яшовчи Олтибой Олломуродовнинг хонадонидан бўлишди. Бу оилада ўнга фарзанд бор.

— Мен Президентимизнинг боқимандаликка барҳам бериш, ижтимоий муҳофазада ёппасига тенглаштиришни тугатиш ҳақидаги гапларидан хабардорман, — деди Олтибой ака. — Бизнинг ота — боболаримиз, бутун аждодларимизни манъа шу ер боқиб келган. Аммо айрим одамлар ўз томоқларидан яхши фойдаланишмаяпти. Давлат берадиган нафақа, касабаси уюшмалари берадиган ёрдам пуллари ёки бошқа шунга ўхшаган имтиёзларни кутиб яшашаяпти. Менинг фикримча бунга чек қўйиш керак. Бу болаларнинг тарбиясига ҳам ёмон таъсир этаёпти.

## ИЖТИМОЙ ЁРДАМ АДРЕСЛИ БЎЛСИН

боғчалари, дам олиш жойлари куришга, келажакимиз ворислари бўлган фарзандларимизга гамхўрлик қилишга йўналтирган бўлар эдик, деди Президентимиз Ислоҳ Каримов. Касабаси уюшмалари кўрсатиладиган ёрдамни аниқ адресли бўлиши тарафдоридир. Биз ёппасига тенглаштиришга ва боқимандаликка қаршимиз. Одамлар ёрдам кутмай ўз меҳнатлари билан кун кўришдан манфаатдор бўлишлари зарур. Фақат меҳнат билан иктисодиётни юксалтириш, бозорни маҳсулотларга тўлдирish мумкинлигини тушуниришимиз, одамлар онгидаги боқимандаликка чек қўйиш бўйича иш олиб боришимиз зарур.

Федерация кенгашининг бўлим мудири Х. Жамолов ва Х. Пиримқулов федерация кенгаши мутахассислари республика идоралараро комиссияси ишида иштирок этиб, энг кам миқдордаги «истеъмоладан қорзинаси» ва энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш, муҳтож фуқароларга адресли давлат ёрдамини кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқишда иштирок этаётганликларини, меҳнат қонуничилигидаги ўзгаришлар тўғрисида касабаси уюшмалари фаолларига сўзлаб беришди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича фармонларини ҳаётга тадбиқ этишда вилоят касабаси уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликнинг самаралари ҳақида сўзлаб берди. Вилоят меҳнаткашларининг ижтимоий-иктисодий манфаатларини муҳофазалашда вилоят ҳокимлиги ва касабаси уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган битимдан айниқса унумли фойдаланилмоқда.

Давра иштирокчилари ҳузурда сўзга чиққан вилоят меҳнат биржаси бошқарувчиси Х. Маждов, вилоят ижтимоий таъминот бўлими муdiri М. Аҳмедова ишсизлар ва пенсионерлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб беришди.

Давра суҳбатидан иштирокчилари Ислоҳ Каримовнинг ижтимоий ҳимояни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича сиёсати Термиз туманида қандай амалга оширилаётганини би-

рашган, харидорни ўзига жалб этади.

Афғонистонлик инженер Муҳаммад Ҳошим билан суҳбатлашдик.

— Ҳозир, Афғонистонда нотинчлик, — дейди Муҳаммад Ҳошим. — Сизларда эса хавас қиларлик даражада тинчлик, хотиржамлик. Бу эса хорижий ишбилармонларни сизлар билан биргаликда иш олиб боришга ундаёпти. Агарда маҳаллий ҳокимликлар рози бўлишса бундай қандолат цехларини барча туманларда ташкил этиш имконимиз бор.

«Турон» гилам тўқиш цехи ҳам бир пайтлар курилган, бироқ кейинги пайтда фойдаланилмай қолган бинода ташкил этилган. Цехга ўрнатилган замонавий дастгоҳларда 3×4 метрлик ҳажмдаги гиламлардан бир кунда 24 тасини чиқариш мумкин.

— Корхонамизнинг келажак порлок, — дейди унинг бошлиғи Пўлат Алпомишев. — Келажакда биз бутун вилоят аҳолисини чиройли гилам маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни мақсад қилиб қўйганмиз.

— Термиз туманида ҳозир 28 та кичик корхоналар бўлиб, уларда курилиш материаллари, кенг истеъмоладан моллари, озиқ-овқатлар маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди туман ҳокими Раимқул Чоршанбиев. — Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «кишлоққа саноатни олиб келиш зарур» деган фикридан келиб чиқиб, ҳар бир хўжаликда катта ва кичик корхоналар ташкил этиш, уларда халқ учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини иш жойи, оила тебратиш учун етарли маош билан таъминлашга ҳаракат қилишимиз. Ҳозир туманимизда минг нафардан ортиқ расмий ишсизлар бор. Бу эса уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун кескин ва шошилинч чоралар кўришни талаб этапти. Туман ҳудудида яшовчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларни ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш чораларини кўряпмиз. Шу мақсадда йил бошидан бери 30 миллион сўм маблағ сарфладик.

Термиз туманида бўлиб ўтган давра суҳбатидан туманда истиқомат қилаётган турли тонфадаги меҳнаткашлар билан касабаси уюшмалари фаолларининг суҳбатлари ижтимоий сиёсат бўйича ҳукуматимиз ва шаҳсан Президентимиз Ислоҳ Каримов олиб бораётган сиёсат тўғри эканлигини яна бир марта исботлади. Меҳнаткашлар Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табият қалари ва гуруҳларини — болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш аввалгидек ижтимоий сиёсатимизнинг устивор йўналиши бўлиб қолаверди» деган сўзларини қайта-қайта эслашди. Шу билан бирга у аниқ йўналишда, адресли бўлиши, боқимандаликка, тенгчиликка барҳам бериши зарурлигини касабаси уюшмалари фаоллари ҳам меҳнаткашлар вакиллари ҳам таъкидлаб ўтишди.

Сурхондарё вилоятида ўтказилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов олиб бораётган ижтимоий сиёсатни касабаси уюшмалари фаолларига чуқурроқ тушуниришга ва уларнинг бу борада олиб бораётган ишларини янада ривожлантиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

А. ФОЗИЛОВ,  
Сурхондарё вилояти.

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари қасабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари республикада ислоҳотлар ўтказилётган ҳозирги шароитда меҳ-

наткашларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан тармоқ касабаси уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги вазифаларни муҳокама этдилар.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. О. Ш. Сафоев Тошкент ша-

ҳар касабаси уюшмалари кенгаши раиси этиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари қасабаси уюшмаси Марказий кўмитаси раиси вазифасидан озод этилди.

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари қасабаси уюшмаси кўмитаси раисининг муовини лавозимида ишлаб келган Адҳам Илҳомович Раҳимов Ўзбекистон маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари қасабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

**Мухтор ИБРОХИМОВ, бошқарув раиси**

— Мана, қарийиб икки йилдирки серкуёш ўзбек диёри эрк ва истиклол ҳавосидан нафас олаётди. Давр ва замонлар силсиласида шаклланган таълимий ўзгариш, ҳаётимиз ўзининг қадимий ўзақларига қайтмоқда. Бу устивор туйғу ҳар биримизни беҳад қувонтиради, албатта. Зотан миллат бахти унинг тили, дини, тарихи ҳамда маънавий қадриятлари билан белгиланади. Тўғри, мустақиллик шароитида яшаб меҳнат қилиш осон кўчаётгани йўқ. Бозор муносабатлари чуқурлашгани сайин иқтисоддаги кемтиклик турли кўринишларда намоён бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ғов бўлаётди. Очиги, ҳозир ҳамма рўзгор, тирикчилик ташвиши билан банд. Ҳаётнинг ўзи шунга мажбур қилаётди. Яъни ишламаган — тишламайди. Ўзга йўл йўқ. Бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам дуруст: тайёрга айёрлик психологиядан тезроқ халос бўламиз. Қолаверса одамларда мустақил фаолият, ташаббускорлик сари рағбат уйғонади. Бу эса бизнинг давримизда жуда муҳимдир.

Барча соҳада бўлгани сингари кишлоқ хўжалигида ҳам кўп нарса раҳбарнинг куч-ғайрати, лаёқати билим ва тажрибасига боғлиқ. Эл-юрт хурматига сазовор бўлиш осон эмас. Бундай дейишимнинг боиси бор. Падари бузрукворим Ҳайдар Иброҳимов мазкур хўжаликка 33 йил раислик қилиб, унинг бешигини тебратганлардан бири. Ҳар-қарич ерга қутлуг қадамлари теккан, десам лоф бўлмас. Отамиздан ёрқин хотира қолган эканки, меҳнат жамоаси хўжаликка «Ҳайдаробод» номини бериб, фидойи бир инсонга хурмат бажо этди. Бу, албатта, биз фарзандлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Оқна дарё окмасдан колмас деганларидек, ҳаёт ўз йўлида давом этаётди. Бугун замон ҳам, талаб ҳам бошқа. Шиорбозлик, сиёсатбозлик даври ўтди. Эндиликда ҳамма нарса янгича мезон билан ўлчанаётди, бунда теран маъно бор. Президентимиз ўтказиб келаётган сиёсатнинг туб моҳияти ҳам мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, бошқарув тизимини такмиллаштиришга қаратилган. Чунки мустақил жамиятнинг иқтисодий негизини яратмай туриб олға бориб бўлмайди. Ўзимга келсак, институтни битириб, тумандаги уzumчилик совхозида тўққиз йил инженер-механик бўлиб ишладим. Деҳқончиликда озми-кўпми кўзим пишди. От ўрнини той босар, деганлари тўғри экан. 1992 йили «Ҳайдаробод»ликлар мени ўзларига раис қилиб сайлашди. Уша оқшом бир дунё ҳаяжон билан уйга қайтарканман, 73 ёшли онам дуога қўл очдилар. «Амалнинг юки оғир, ўғлим. Уни кўтариш учун азамат елка керак. Халол меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан. Инсофу диёнатни муқаддас бил. Сени отаннинг руҳи поклари қўлласин. Омин!»

Йўл бошида қилинган хайрли дуо ижобат бўлди. Дастлабки йилиёқ 680 гектар ерда ғўза ўстириб, 2500 тоннадан зиёд пахта етиштирдик. Ҳосилдорлик 41,8 центнерни ташкил этди. Ишлаб чиқаришдан 64 миллион сўм даромад қилинди. Шунинг 58 миллион сўми пахтачиликдан диндор. Сабзавот-полид, галла, пилла тайёрлаш соҳасида ҳам яхши натижалар қайд этилди.

Айни кеча-кундузда хўжалигимизда 600 бошга яқин қорамол, 560 бош совлиқ, 50 та туя, 6 та от бор. Уларни зооветеринария талаблари асосида парваришлаганга ҳаракат қилаёмиз. Лекин, очигини айтганда, бу соҳадаги ишларимиз хали мактағулик эмас. Ем, озуқа, турли усқуналар қимматлашгани сабабли ўтган йили тармоқдан 2 миллион сўм зарар кўрдик. Шу жиҳатдан қараганда Президентимизнинг гўшт, сўт, туҳум ва жуннинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги фармони айтилган бўлди. Чорвадорларимиз жорий йилда соҳадан мўмай даромад олишни мўлжаллаб турибдилар. Олти ойлик кўрсаткичлар шундан далолат беради.

Ишлаб чиқаришдаги ютуқлар ўз йўлига. Асосий мақсад меҳнат аҳлини

ижтимоий жиҳатдан химоялашга, моддий ва маданий турмушини яхшилашга қаратилган. Аслида гапни ана шундан бошлаш керак эди. Оиласидан, рўзгоридан кўнгли тўқ кишигина унумли ишлайди. Хўжалик аъзолари меъёрлаштирилган маҳсулотларни дўконлардан ўз вақтида олиб турибдилар. Уларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондиришда маъмурият билан қасаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шартномада яқин келажакка мўлжалланган амалий тадбирлар ўз ифодасини топган. Президент фармонларини бажара бориб, кишлоқларни газлаштириш ҳамда водопроводлаштиришни диққат марказида тутаямиз. Ўтган икки йил ичида 30 гектар майдон уй-жой қуриш ҳамда томорка учун ажратиб берилди. Қол-хозчиларга арзон нархда дон, беда, сомон сотишни йўлга қўйганмиз.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хозир дала-боғларда фарқ пишиқчилик. Ёз неъматлари пешма-пеш йиғиштириб олиниб, эл дастурхонига тортиқ этилаётди. Азамат пахтакорларнинг ҳам шашти баланд. Ҳар туп ғўза қалб кўри, юрак тафти билан парва-

ҳакида гапирмаса ҳам бўлади.

Маълумки, ўлкамизнинг иқлим шароити иссиқ. Саратон ва жавзо ойларидан ҳарорат 40—50 даражагача кўтарилади. Шунинг ҳисобига олиб ўз даврида меҳнат нормаларини камайтирдик. Эркаклар учун 220, хотин-қизлар учун 180, кўп болали оналар учун 110 иш куни белгиланди. Ҳали олдимизда турган вазибалар кўп. Уларни рўёбга чиқариш учун ички имкониятларни излаб топилганга ҳаракат қилаёмиз. Профком ва раёсат йиғилишларида бажарилган ишларга яқин ясашиб, галдаги муҳим вазибалар белгилаб олинади. Ғайбулла Юсупов, Николай Чепрасов, Салом Каромов, Қўнди Қиличев, Истат Ҳайдарова, Содик Аҳмедов каби фаолларимиз меҳнатда шахсий намуна кўрсатиш билан бирга зиммаларига юклатилган жамоат топшириқларини сидқидилдан ундаётдилар. Кўмитамиз ҳар бир жабҳада уларнинг жонли иштироки ва беминнат ёрдамига таянади.

Саломатлик — туман бойлик. Бу ҳикмат замирида яшашнинг гашти ва маъноси мужассам, десам янглишмайман. Дарҳақиқат, тан-жони соғлом инсон оламга тийрак назар билан қарайди. Ишининг баракаси ҳам шун-

шунга ўхшаш масалалар ҳақида ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Николай ЧЕПРАСОВ, қасаба уюшмаси кўмитаси аъзоси, механизатор:**

— Бозор муносабатларига ўтиш даврида оммани қафолатли химоялаш, меҳнат жамоаларида аниқ маром ва барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қасаба уюшмалари зиммасига катта масъулият юклатилган. Жаҳонга юз бураётган республикамиз яқинда ўз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлади. Унинг иқтисодий қудратини ошириш учун ҳар биримиз кўлдан келганча хизмат қилишимиз, аҳилликни бой бермаслигимиз лозим.

Замона шарофати билан ерга, меҳнатга, ижтимоий мулкка муносабат ўзгараётганлиги кишини қувонтиради. Ўзликни англаш дегани шу бўлса керак. Чорак асрдан бери механизаторлик қиламан. Қасбимдан нолийдиган жойим йўқ. Ўтган йили профком аъзоларига сайлашди. Бу ҳам бир ишонч белгиси, албатта. Онам рус, отам ўзбек. Демак, мен ҳам ўзбекман. Ҳамкишлоқлар «Қомилжон» деб қақирашади. Шу заминда туғилиб ўсдим, оила қурдим. Фарзандларим улғайиб, бирин-кетин қанотинга киришаётди. Ҳар кимга ана шундай тақдир насиб этсин.

Хўжалигимиз сертармок. Одамлардан иш талаб қилишдан аввал улар учун зарур қулайлик, етарли шароит яратиш лозим. Қасаба уюшма кўмитаси ўзининг қундалиқ фаолиятида долзарб масалаларга эътиборни қаратаётди. Мавжуд 19 нафар профком аъзолари ишлаб чиқариш соҳаларига бирктиб қўйилган. Улар вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар. Шахсан ўзим хўжалик техника парк учун масъулман. Кейинги пайтда бу ерда бир қатор ишлар амалга оширилди. Дам-олиш хонаси мавжуд. Машина-тракторлар сақланган қўшма айвон қуриляпти. Яқин келажакка мўлжалланган бошқа режаларимиз ҳам бор.

**Деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмалари туман кўмитаси раиси Салим НОСИРОВ шарҳи:**

— Мустақил республикамиз ўз тарихидаги қийин, масъулиятли даврни бошдан кечирмоқда. Собик Иттифокнинг парчаланиши натижасида иқтисодий алоқалар дарз кетди, таъминот издан чиқди. Буларнинг ҳаммаси халқ турмуш даражасига ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ, албатта. Мамлакатимиз Президенти ўтказиб келган сиёсат тизимида иқтисод масаласи биринчи ўринга қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Қасаба уюшмаларининг ҳозирги кундаги асосий вазибалари ана шундан келиб чиқади. Олти ойдики, туманда мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Унинг ташаббуси билан кўпгина ташкилот, корхона ва хўжаликлар билан жамоа шартномалари тузилди. Аҳолини бозор иқтисодиёти хуружидан қафолатли химоялашда бунинг самараси катта бўлаётди.

«Ҳайдаробод»га келсак, унинг бошқа хўжаликлардан ажралиб турадиган жиҳати йўқ. Фақат бир нарсани таъкидлаш жоиз: бу ерда иқтисодий ислохот моҳияти теран ҳис этилаётгани, олға томон дадил қадамлар ташланаётгани кишини мамнун этади. Қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Н. Ғиёсов ўз соҳасида кўзи пишган, тажрибали ходим. Еш ҳамкасбларидан кўмаги ва маслаҳатларини аямайди. Хўжаликда тилга олса арзийдиган ютуқлар бор, албатта. Лекин бу масаланинг бир томони. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларда таъкидланганидек, ҳали қилинган ишлардан қилинмаганлари кўп. Соғлом авлоднинг шакллантириш, техника хавфсизлиги, савдо ва тиббий хизматни ташкил этиш, миллий анъана ҳамда қадриятларни тиклаш борасидаги муҳим тадбирлар ўз ижросини кутиб турибди. Зеро ишлаб чиқаришни ривожлантириш барча соҳада амалий ғамхўрликни яхшилаш ва такомиллаштириш билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Носир ТОШЕВ,  
«Ишонч» муҳбири.

**ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК**

**БОЗОР иқтисодиётининг шиддатли тўлқини зироат аҳлини — кишлоқ меҳнатқашларини ҳам четлаб ўтмади. Нарх-наво, сарф-харажатлар ошиб бораётганлиги сабабли деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш ғоят қийин кўчмоқда. Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа хўжалигида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Мустақил ҳаракат, ишбилармонлик ҳозирги иқтисодий тангликни бартараф этишнинг муҳим омилдир. Еш, иқтисодли мутахассис Мухтор Иброҳимов раҳбарлик қилаётган хўжаликда ички имкониятлар излаб топилётганлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.**

**Маълумки, ислохот тақдири одамларга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка кўп жиҳатдан боғлиқ. Хўжаликда меҳнатни ташкил этиш, аҳолини ижтимоий химоялаш юзасидан қандай ишлар амалга ошириляпти? Келинг, яхшиси бу ҳақда мутасаддиларнинг ўзларидан эшитайлик.**

риш қилинаёпти. Иншооллох, хирмонимиз баракали, рўзгоримиз тўқин-сочин бўлмай. Олтин куз саховатини аямаса бас.

**Нияз ҒИЁСОВ, қасаба уюшмаси кўмитаси раиси:**

— Яқинда К. исмли ҳамкишлоғимизнинг кекса отаси дунёдан ўтди. Оғир жудодлик кунларида ночор оилани ёлғизлатиб қўйганимиз йўқ. Қасаба уюшма кўмитаси қарори билан дафн маросими учун 10000 сўм пул ажратилди. Хўжалик маъмурияти ҳиммат кўрсатиб, ун, ёғ билан таъминлади. Кам бўлса ҳам харна ёрдамда. Меҳнатқаш инсон эъзозу эътибордан четда қолмаслиги керак. Айниқса марҳумларнинг хурматини жойига қўйиб биз тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарздор.

Бу мисолни нима учун келтираяман? Илгари муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда қасаба уюшмаларининг ўрни айтарли сезилмас, улар асосан партократия сиёсатини амалга оширишга даъват этилган эди. Энди ундай эмас. Мустақиллик шарофати билан кўпгина жамоат ташкилотлари сингари қасаба уюшмаларининг ҳам мавқеи, жамиятдаги амалий иштироки ошиб бораёпти. Улар ўз фаолиятига янги талаблар билан ёндашиб, эл-юрт манфаати йўлида камарбаста бўлмоқда. Шиддаткор давримиз имиллашни кечирмайди. Бозор иқтисоди келтириб чиқараётган ўткир муаммоларни ҳал этиш учун қўлгўлга бериб ишлаганимиз лозим. Ёлғиз дарахт ўрмон бўлолмайди. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида аҳоли турли табақаларининг манфаатлари, орзу-истаклари инобатга олинган. Шартнома мажбуриятларининг ижроси қатъий назорат остида. Ўтган йилдан бошлаб меҳнат таътили 15 кундан 21 кунга узайтирилди. Ночор ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яққа-ёлғиз кишиларга ҳар ой 300—400 сўмдан нафақа бериб бориляпти. Дафн маросимларида кетадиган сарф-харажатларни профком тўлиқ ўз бўйига олган. Ҳозирги тақчиллик ва қийматчилик шароитида бунинг аҳамияти

га боғлиқ. Кейинги йилларда биз бу масалага жиддий аҳамият бераёмиз. Бошқача айтганда, меҳнатқашлар сўхат-саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга ғамхўрлик кўрсатиш фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Доимий ва мавсумий боғчалар тизими такомиллаштириляпти. Дала шийпонларида зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Хўжалигимизда 1500 нафар қасаба уюшма аъзоси, жумладан 227 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 5 нафар «афгон»чилар истикомат қилишади. Шу йилнинг ўзида улардан аксарияти республикамиздаги турли курорт ва санаторийларда ўз саломатлигини тиклаб қайтди. Шароит ва имкониятга қараб, йўлланмалар асосан бепул берилмоқда. Сарф-харажатларнинг 85 фоизи ижтимоий сўғурта, 10 фоизи хўжалик жамғармаси ҳисобидан қопланади. Қолган 5 фоизига йўлланма эгаси зиммасида. Бу, албатта, оммани ижтимоий химоялашнинг амалдаги кўринишидир.

Табиий, ишимизда хато ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Иқтисодий тақчиллик қўлимизни боғлаб қўяпти. Маблағ йўқлиги сабабли кўпгина муаммоларни ўз вақтида ҳал қила олмаёмиз. Кишлоқ турмуш маданияти, жисмоний тарбия ва спортнинг мавжуд аҳволи талабга жавоб бермайди. Хўжаликда анча-мунча ишсизлар бор. Иш ўринлари чеklangанлиги сабабли уларни ижтимоий фойдала меҳнатга жалб этиш қийин кўчаётди. Қасаба уюшмалари асосан ойлик йиғимлар — аъзолик бадаллари ҳисобига яшаши ҳаммага маълум. Ҳар ой тасарруфимизга 360—400 минг сўм пул тушади. Ҳозирги кунда бу маблағ билан нима ҳам қилиш мумкин? Бўйига етказсанг, энгига етмайди. Қунда ёки кун ора идорамизга ўнлаб кишилар нажот излаб, ёрдам сўраб келишди. Кўпинча уларни ноумид қайтаришдан ўзга илож йўқ. Ўрни бўлмаса ҳам айтай: маблағ танқислигидан биттаю битта ҳисобчилик штатини ҳам қисқартиришга мажбур бўляёмиз. Мутасаддилар ташкилотлар дардимизга қулоқ тутиб,



ЎЗБЕКИСТОН касабаси уюшма Федерацияси кенгаши ва тармоқ кўмиталари раҳбарларининг президентимиз билан учрашувида белгилаб олинган вазибалар Фарғона вилояти касабаси уюшма кенгаши амалга ошираётган ишларда ҳам асосий амалий дастур бўлмоқда. Вилоят касабаси уюшма фаолларининг навбатдан ташқари анжуманида эса бу масалалар атрофида муҳокама этилди. Унда вилоят ҳокими Мирзажон Исломов сўз олиб, бозор муносабати шароитида туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, аҳолини ҳар томонлама химоялашда касабаси уюшмаларининг етакчилик роли, бу борада уларнинг вилоят раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мулкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иш ҳақи, ёрдам фондлари, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнаткашларнинг меҳнатга, иш жойига бўлган муносабатларини ўзгартириш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, юрт осойишталигини сақлашда касабаси уюшмаларининг роли муҳимдир, деди у. Аммо буларга ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий химоясига касабаси уюшма ташкилотларида ишлаётган айрим ходимлар етарлигича эътибор бермайтилар. Ваҳоланки, ҳокимликлар ва хўжаликлар билан касабаси уюшмалари ўртасида 1993 йил учун тузилган битимларда бу нарсалар аниқ равшан ёзиб қўйилган эди. Касабаси уюшма раҳбарлари уларни амалга оширишдаги назоратини кучайтиришлари, ижросини таъминлашлари зарур.

Айниқса дехқончилик саноати ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кўмитаси Республика Вазирлар маҳкамасининг 1993 йилнинг 7 январида қабул қилинган «Кишлоқ хўжалиги иқтисодий ислохотини янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги қарор бажарилишининг назоратини оширишлари, меҳнаткашларнинг оддий манфаатдорлигини кучайтиришда уларнинг хусусий фермер хўжаликларда, кичик корхона ва цехларда унумли ишлашларини таъминлашлари зарур.

Битимларда кўрсатилгандек, ҳаммаша меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга, дам олишларига жиддий эътибор беришлари, шифо масканлари ва оромгоҳлардан унумли фойдаланишлари, янгиликларини очиш йўлидан боришлари керак. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари, ногиронлар манфаатини химоя қилишда фаол иштирок этиш лозим.

Фақат давлатдан қарз олиб ишлаётган келажик йўқ корхона ва хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятини ўрганиб чиқиб, илгорлар тажрибаларини жорий этишда уларга кўмаклашиш, иш ҳақларининг ошириш

имконини ахтариб топиш, меҳнатга ҳақ тўлашни, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий сўғурта тўғрисидаги Ўзбекистон қонунлари ижросини изчил назорат қилиб бориш, аҳолини ишсизлик оқибатида ночор аҳволга тушиб қолишига йўл қўймазлик, жойлардаги меҳнат биржалари орқали ишсизларни иш билан таъминлашда, янги иш жойларини яратишда хўжалик раҳбарлари ва ҳокимликлар билан биргаликда иш олиб бориш, вилоятда мавжуд болалар оромгоҳларини сақлаб қолиш ва уларни такомиллаштириш, етим болаларга ҳамда кам таъминланган оилаларга бепул йўлланмалар беришни давом эттириш, меҳнат жамоаларида чайқовчилик, текинхўрлик каби нуқсонларга барҳам беришда касабаси уюшмаларини ташкил қилиш маркази қошида касабаси уюшмаларининг бадий хаваскорлик гуруҳини уюштириш ва

кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш, зарарга ишловчиларни боқимандалик кайфиятидан қутқариб, уларда меҳнатга янги муносабатларни пайдо қилиш йўлларини ахтариш лозим. Бу эса ўз навбатида касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ва унинг қуйи тармоқ, туман, бошланғич касабаси уюшмалари кўмиталари фаолиятини ва тизимини қайта кўриб чиқишни, бозор муносабатларидан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш йўлларини излаб топишни талаб этади.

Шуларга кўра касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ушбу анжуманда белгилаб олинган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилди. Аввало республикамиз Президентини И. А. Каримовнинг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федера-

## ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

цияси кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари раҳбарлари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий химоялашни кучайтириш бўйича ўтказилган учрашувида ҳамда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши-

нинг VI йиғини қарорлари тўла қўллаб-қувватланди. Вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари иш усулларини такомиллаштириши, қуйи ташкилотларга кенгрок фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида иқтисодий ислохотни ўзига хос хусусиятлари, йўналиши, келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари тўғрисида кенг қўламда тушунтириш олиб бориш белгилаб олинди.

Вилоят кенгаши, тармоқ кўмиталари шаҳар ва туманлардаги мувофиқлаштирувчи Кенгашлари ва бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига Республика Президенти ҳукумати ва жойлардаги ҳокимликларнинг иқтисодий таъминоти янги босқичга олиб чиқиш йўлида олиб бораётган тадбирларида мавжуд меҳнат ресурсларини таксимлаш, улардан оқилона фойдаланишда, хўжалик тузилмаларининг самарадорлигини оширишда фаол ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди. Корхоналарга тўла эркинлик бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш сифатини яхшилаш, меҳнаткашларни даромадларини оширишда, мулкни ху-

сияси кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари раҳбарлари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий химоялашни кучайтириш бўйича ўтказилган учрашувида ҳамда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг VI йиғини қарорлари тўла қўллаб-қувватланди. Вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари иш усулларини такомиллаштириши, қуйи ташкилотларга кенгрок фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида иқтисодий ислохотни ўзига хос хусусиятлари, йўналиши, келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари тўғрисида кенг қўламда тушунтириш олиб бориш белгилаб олинди.

Вилоят кенгаши, тармоқ кўмиталари шаҳар ва туманлардаги мувофиқлаштирувчи Кенгашлари ва бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига Республика Президенти ҳукумати ва жойлардаги ҳокимликларнинг иқтисодий таъминоти янги босқичга олиб чиқиш йўлида олиб бораётган тадбирларида мавжуд меҳнат ресурсларини таксимлаш, улардан оқилона фойдаланишда, хўжалик тузилмаларининг самарадорлигини оширишда фаол ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди. Корхоналарга тўла эркинлик бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш сифатини яхшилаш, меҳнаткашларни даромадларини оширишда, мулкни ху-

сияси кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари раҳбарлари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий химоялашни кучайтириш бўйича ўтказилган учрашувида ҳамда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг VI йиғини қарорлари тўла қўллаб-қувватланди. Вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари иш усулларини такомиллаштириши, қуйи ташкилотларга кенгрок фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида иқтисодий ислохотни ўзига хос хусусиятлари, йўналиши, келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари тўғрисида кенг қўламда тушунтириш олиб бориш белгилаб олинди.

Вилоят кенгаши, тармоқ кўмиталари шаҳар ва туманлардаги мувофиқлаштирувчи Кенгашлари ва бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига Республика Президенти ҳукумати ва жойлардаги ҳокимликларнинг иқтисодий таъминоти янги босқичга олиб чиқиш йўлида олиб бораётган тадбирларида мавжуд меҳнат ресурсларини таксимлаш, улардан оқилона фойдаланишда, хўжалик тузилмаларининг самарадорлигини оширишда фаол ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди. Корхоналарга тўла эркинлик бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш сифатини яхшилаш, меҳнаткашларни даромадларини оширишда, мулкни ху-

сияси кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари раҳбарлари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий химоялашни кучайтириш бўйича ўтказилган учрашувида ҳамда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг VI йиғини қарорлари тўла қўллаб-қувватланди. Вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари иш усулларини такомиллаштириши, қуйи ташкилотларга кенгрок фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида иқтисодий ислохотни ўзига хос хусусиятлари, йўналиши, келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари тўғрисида кенг қўламда тушунтириш олиб бориш белгилаб олинди.

Вилоят кенгаши, тармоқ кўмиталари шаҳар ва туманлардаги мувофиқлаштирувчи Кенгашлари ва бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига Республика Президенти ҳукумати ва жойлардаги ҳокимликларнинг иқтисодий таъминоти янги босқичга олиб чиқиш йўлида олиб бораётган тадбирларида мавжуд меҳнат ресурсларини таксимлаш, улардан оқилона фойдаланишда, хўжалик тузилмаларининг самарадорлигини оширишда фаол ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди. Корхоналарга тўла эркинлик бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш сифатини яхшилаш, меҳнаткашларни даромадларини оширишда, мулкни ху-

сияси кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари раҳбарлари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий химоялашни кучайтириш бўйича ўтказилган учрашувида ҳамда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг VI йиғини қарорлари тўла қўллаб-қувватланди. Вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари иш усулларини такомиллаштириши, қуйи ташкилотларга кенгрок фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида иқтисодий ислохотни ўзига хос хусусиятлари, йўналиши, келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари тўғрисида кенг қўламда тушунтириш олиб бориш белгилаб олинди.

Мажлисида касабаси уюшмалари вилоят кенгаши раиси А. Н. Мансуров ҳам нутқ сўзлади.

Ийғилишда иқтисодий ислохотни кучайтириш юзасидан касабаси уюшмалари вилоят кенгаши белгиланган тадбирлар бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Адхам ДАМИНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ

ЭНЕРГЕТИКлар касабаси уюшмаси халқаро бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электротехника саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси билан ҳамкорликда Тошкентда ўтказган биринчи Халқаро семинарида бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий химоялашни таъминлаш юзасидан тармоқ касабаси уюшмасининг фаолият шакллари муҳокама этилди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларини химоялашда касабаси уюшмалари олиб бораётган ишлари, ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида кенг маълумот берди. Ислохотларни амалга оширишда касабаси уюшмалари

елкадош бўлмоқдалар. Бунинг билан Президентини И. А. Каримов касабаси уюшмаси фаоллари билан бўлган учрашувида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Республикада касабаси уюшмаси «Меҳнатни муҳофаза этиш тўғрисида» қонунлар қабул қилинган. Касабаси уюшмалари бу қонунларни ҳаётга жорий этиш, касабаси уюшмалари ҳаракати бирлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

ЭДФ корхоналари олий кенгаши кўмитаси (Франция) аъзоси Мишэль Руссо эркин бозор ва хусусийлаштириш шароитида энергетиклар манфаатларини химоялаш ва ижтимоий сиёсат ҳақида гапирди. У Франция касабаси уюшмаларининг хусусий корхоналарда олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталди. Маълумки, бу соҳада кўпроқ фойда орқасидан қувиб

ишловчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларига эътибор берилмайди.

Семинар қатнашчилари энергетиклар касабаси уюшмаси Халқаро бирлашмаси котиби В. Чугуновнинг маърузасини ҳам қизиқиш билан тингладилар.

Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электротехника ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Х. Саматов семинарнинг тармоқ касабаси уюшмаси ташкил этилганлигининг 45 йиллиги нишонланаётган кунларда ўтаётганлигини таъкидлади. У энергетиклар касабаси уюшмасининг оёққа туриш даври ва ҳозирги ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шу кунинг тармоқ касабаси уюшмаси фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Семинар охирида республика энергетика ва электрлаштириш саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси билан Халқаро «Электропрофсоюз» (Москва) ҳамда Украинанга энергетика ва электротехника саноати ходимларининг Крим республикаси кўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланди.

«Ишонч» мухбири.

## МУЛК ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Жиззах вилоятида мулкни хусусийлаштириш тезкорлик билан олиб берилмоқда. Шу кунгача вилоятдаги 124 та давлат хўжалигининг 68 таси мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилди. Маҳсулдорлиги паст бўлган 40 та ферма жамоаларга шахсий мулк қилиб берилди.

Президентимиз И. А. Каримов республикада фермер хўжалигини ривожлантиришни кўп марта таъкидлади. Бу иш Жиззах вилоятида ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозиргача бу ерда 694 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг 322 таси мустақил, 372 таси давлат ва жамоа хўжаликлари қошида фаолият кўрсатмоқда. Фермерларга 9937 гектар ер ажратиб берилган.

Вилоятда ҳозирга қадар 656 та корхона хусусийлаштириш тўғрисида ариза тушди. Шундан 551 корхона хусусийлаштирилди.

«Ишонч» мухбири.



...Қарор эълон қилинган кезларда Оқ олтин тумани ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳокимлик вакиллари ташқари давлат назорати инспекцияси, Халқ демократик партиясининг туман кенгаши, агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси ва ёшлар иттифоқи вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Туман ҳоқими Абдураззоқ Қаюмов Вазирлар Маҳкамаси қарорининг моҳиятини тушунтириб, пахта йиғим-терими мавсуми барчага даҳлдорлигини таъкидлади, давлат ва жамоат ташкилотларини бу мавсумда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга даъват этди.

Ўша куни бешта ташкилотнинг кўшма қарори қабул қилинди. Унда йиғим-терим даврида ташкил этиладиган мусобақа шартлари тасдиқланган эди.

— Биз қайта қуриш даврида ўйламай-нетмай кўпгина кадрлар ва анъаналардан воз кечиб юбордик,— дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Умел ака Давлатов.— Айтингчи, меҳнат жамоалари ўртасида мусобақа ташкил этиб самарали ва ҳалол ишлаган кишиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг нимаси ёмон эди? Ҳар томонлама намунали кишилар расмини ҳурмат тахтасига қўйиш ёки илғорлар шарафига республика байроғини кўтаришчи? Бундай эътибор инсонга кўшимча куч ва ғайрат бахш этади-ку. Лекин биз кейинги йилларда рағбатлантиришнинг синалган усуллари асосиз равишда воз кечдик. Энди ўша яхши анъаналарни яна тиклаш чораларини кўраямиз. Бу йилга йиғим-терим мавсумида жамоалар ўртасида мусобақа ташкил этишга қарор қилдик.

Туман тупроқ унумдорлиги ва ҳўжаликларнинг катта-кичиклигига қараб учта ҳудудга бўлинган. Ҳар бир ҳудуд учун алоҳида марралар белгиланган. Шу маррани эгаллаган ширкат ҳўжалигига туман ҳокимлиги мукофот тарзида енгил автомобиль тақдим этади. Теримчилар ва механизаторлар мусобақасида ғолиб чиққанларни тақдирлаш эса ҳўжалик раҳбарлари ва касабаси уюшмаси кўмиталарига топширилган.

— Ҳозир «Сардоба» ширкатлар уюшмасига кетаяпман, ундан «Андижон» уюшмасига ўтаман,— Умел ака «Жигули» эшигини очди.— У ерда терим машиналари сўнгги кўрикдан ўтаяпти. Истасангиз бирга бориб келамиз. Механизаторлар ишини, уларга яратиб берилган шароитларни, ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Умел аканинг ёши олтишидан ошиб қолган бўлса ҳам ғайрати йиғитларникидек. Бирор кун кабинетда ўтирганни кўрмайсиз. Қачон қараманг, пахтакорлар, чорвадорлар, соҳибкорлар орасида бўлади. Шунинг учунми, туманда уни танимайдиган одам йўқ, «Сардоба» ҳўжалигида ҳам Умел акани бирпасда одамлар ўраб олди. Теримда ҳақ тўлаш тартиби, пахтанинг янги харид нархлари, рағбатлантириш шакллари хусусида ўзларини кизиктирган саволларни ёғдириб

юборишди. Умел ака Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиққан ҳолда тушунтириш берди, сўнг бедапоя четида турна қатор тизилиб турган терим машиналари томон юрди. Механизаторлар терим олдида машиналарини такрор ва такрор кўздан кечириб, кам-кўстларини тўғриламакдалар.

— Совутгич тасмалар, аппаратлар, плунжерли чироқлар бўлганида 156 та машинанинг ҳаммаси бугунги кўрикка келарди,— деди муҳандис Урозбек Отабоев,— Эҳтиёт қисмлари йўқлиги учун ўттиз битта машина устахонадан чиқа олмади. Вакилларимиз эҳтиёт қисмларини излаб Тошкентга кетишган. Умид қилиб турибмиз.

— Ҳар бир машинага нечадан одам бириктирилган?— муҳандисни саволга тутди вилоят бош техник инспектори Бобо Низомов.

кўшимча қўшилса, кўшимча харажатлар тўла қопланиб, ҳўжаликка ҳам анча фойда қолади.

Ўтган йили «Сардоба» ширкатлар уюшмаси бўйича ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган эди. Бу йил эса 30 центнерлик марра кўзланаяпти. Олим Кулиев, Баҳор Мўминов, Аҳмад Шодиев каби механизаторлар мавсумда 180—200 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

— Туман бўйича ўтган йили 64 минг тонна пахта топширилган эди,— изоҳ берди Умел ака.— Бу йил 70 минг тоннадан кам бўлмайди. Биргина кўшни «Андижон» ширкатлар уюшмаси аъзолари ҳосилдорликни 33 центнерга етказиб, салкам 12 минг тонна пахта топширишга сўз беришган. Ҳўжаликда ҳозир қўл терими бошланиб кетган.

## ПАХТА—ЭЛ РИЗҚИ

### УНИ ТЕРИБ ОЛИШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида»ги қароридан далада ишлаётган одамлар учун зарур маиший ва ишлаб-чиқариш шароитларини яратиб бериш, шийпонларни, ҳашарчилар жойлашадиган биноларни тайёрлаб қўйиш асосий вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланган.*

*Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ва жойлардаги касабаси уюшмаси ташкилотлари мавсум масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда теримчиларга бўлган ғамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган зарур тадбирларни амалга оширмакдалар. Буни Сирдарё вилояти далаларини кезган киши беихтиёр ҳис этади.*

— Ҳар бир машинада биттадан механизатор ишлайди. Сменадош таъинлайлик десак одам йўқ. Механизаторлар борган сари камайиб кетаяпти.

— Айб ўзинларда,— Бобо ака танқидга ўтди.— Механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни, ўйламай-сизлар, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш чораларини кўрмайсизлар.

— Унчалик эмас,— муҳандис ҳушёр тортди.— Ҳозир ҳўжалик бўйича энг катта маошни механизаторлар олаяпти. Ўтган ойда уларнинг маоши 150 минг сўмга, сувчиларники эса 80 минг сўмга айланбди. Бир гектар ерни культивация қилган механизаторга тариф бўйича 166 сўм тўланиши керак. Биз эса 750 сўмдан тўладик. Терим даврида ҳам пулни аямаймиз. Машинада терилган ҳар тонна пахта учун тўрт минг сўмгача тўлашни мўлжаллаяпмиз. Ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда териб олмақчимиз. Терим сифати билан бирга суръатини ҳам ошириш учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш керак. Унда ёгин-сочинга қолмай ҳосилни саранжомлаб оламиз, нобудгарчиликка йўл қўймаймиз. Шундай йўллар билан ҳосилдорликка 1—2 центнер

— Барча шийпонларда теримчилар учун бепул тушлик овқат ташкил этганмиз,— суҳбатга қўшилди уюшма раиси Аъзам Алиқулов.— Ҳар беш кунда терим натижаларини кўриб чиқиб илғорларни рағбатлантираёпмиз.

Ҳўжалик маъмурияти билан касабаси уюшмаси ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасида ширкат аъзоларини ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилган. Шундай тадбирлар «Фарғона» давлат ҳўжалиги жамоа шартномасига ҳам ёзиб қўйилган. Туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси тавсияси билан ва ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб бу ҳўжалик уруш катнашчиларига, ёлғиз қарияларга 400 минг сўмлик ёрдам пули ажратди. Қаҳрамон оналар, афғон, Чернобил воқеаси катнашчиларига ҳам шундай илтифот кўрсатилмоқда. Ҳўжалик ҳисобидан аълочи ўқувчиларга ойига 200 сўмдан стипендия тўланаяпти, боқча-ясли ҳақлари ярмига арзонлаштирилган. Қуни узайтирилган гуруҳ ўқувчилари учун бериладиган таомлар нархи ҳам 50 фоизга арзонлаштирилган. Шунга ўхшаш ижтимоий тадбирлар учун «Фарғона» дав-

лат ҳўжалиги 39 миллион сўм ажратган. Бундай эътибор одамлар руҳини кўтараяпти.

Вилоятнинг қайси тумани, қайси ҳўжалигида бўлманг, одамлар пахта ташвиши билан яшаётганлигининг гувоҳи бўласиз. 1-«Боёвут» давлат ҳўжалигида ўтказилган семинарда ОВХ-28 маркали пуркагич-чанглагичлардан фойдаланиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан Гулистон туманида ўтказилган очик хатлар кунда кўпгина баҳсли масалалар ойдинлашди. Унда иштирок этган Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси бўлим мудири Толиб Юсупов йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

...Пахтазорлар кун сайин теримчилар билан гавжумлашиб бораёпти. Октябрнинг бошларидан ёппасига машина терими ҳам бошланиб кетса ажаб эмас.

— Бу йил сирдарёлик пахтакорлар 348 минг тонна хомашё йиғиштириб олишни ният қилиб қўйганлар,— деди вилоят касабаси уюшмалари кенгаши раиси Абдусаттор Муҳамедов.— касабаси уюшмаси ташкилотлари улкан хирмон учун курашда омманинг ташкилотчиси бўлмакдалар. Биз касабаси уюшмаси аъзоларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга уларни фидокорона меҳнатга, вилоятимиз олдида турган вазифаларни бажаришга даъват этаёпмиз. Терим олдида белгиланган тадбирларда касабаси уюшмаси ташкилотлари бажариши лозим бўлган вазифалар аниқ ифодаланган. Шу тадбирлар асосида дала шийпонлари ва ҳашарчилар истиқомат қиладиган биноларнинг санитария-гиғиена ҳолати назорат остига олинди. Ўза баргини сунъий тўкиш жараёнига ҳар беш кунда яқун ясаб, илғорларни рағбатлантириб бораёпмиз. Терим даврида ҳам шу тажриба қўлланилади.

— Мавсумда 833 та пуркагич, 3618 та терим машинаси ишлайди,— суҳбатимизга қўшилди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Санталат Исмоилова.— Чўл пахтасини қўл билан териб тугатиб бўлмайди. Шунинг учун машина теримига алоҳида эътибор бераёпмиз. Барча ҳўжаликларда терим техникаси старт қизғинига келтириб қўйилган. Дефолиация тугаб далалар машина теримига боп бўлиши билан улар старт олади. Ҳосилни қабул қилиб олувчи 31 та пункт ва 10 та пахта заводи ҳам мавсумга шай бўлиб турибди. Ҳаммамизнинг фикри-зикримиз ўтган йилдаги доғни ювиб бу йил чўл пахтасидан улкан хирмон яратишга қаратилган.

Пахта — эл-юрт ризқи, миллий бойлигимиз. Унинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз. Бу курашда касабаси уюшмаси ташкилотлари олдинги қаторларда бўладилар, деб ишонамиз.

**Жасур НОСИРОВ,**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот ва ахборот шўъбаси консультанти.



## ГУЗОР ДАЛАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН далалари яна оппоқ либос кийди, пахтакорлар яна йиғим теримга киришдилар. Гузор туманидаги Карл Маркс номи жамоа ҳўжалиги ахли Қашқадарё вилоятида биринчилардан бўлиб пахта теримига киришдилар. Ҳўжаликда ишчи кучи кўп, ер эса кам. Шунинг учун қўл теримига зўр берилди. Чунки ҳаммани иш билан таъминлаш керак, одамлар ҳам рўзгор тебратиши, пул топиши керак. Иккинчидан ҳосил ҳам сифатли териб олинади.

**М. КЕНГБОВЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.



Суратлар ҳўжаликнинг Аҳмад Бердиев бошчилигидаги бригадаси далаларидан олинган. 1. Маҳфуза Ражабова кунига 200—300 килодан пахта тераяпти. 2. Ҳўжалик касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Зоҳида Каримова (чапдан учинчи) ҳисобчи Майрам Олимова теримчилар Дилафрўз Каримова, Зиёда Сайдуллаевалар билан.

**И. МУҲИДДИНОВ** олган суратлар.



## НОН ҚАДРИ

Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги Пушкин номли давлат хўжалигидан ажралиб чиқиб, бир йил ўтар-ўтмас иқтисодий томондан жуда танг аҳволда қолди. Туман ҳокимлиги бунинг асосий сабаби ишнинг кўзини биладиган, халқни ўз ортидан дадил етаклаб борадиган раҳбар йўқлигида деб ҳисоблади ва анча йил шу тумандаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган Камолитдин Муҳитдиновни раҳбарлик лавозимига тавсия қилди. Мана, орадан бир йилга яқин вақт ўтди. Одатда бир хўжалик ёки корхона оёққа турғазини учун камида 2-3 йил керак бўлади. Бироқ жамоа хўжалиги бир йилдаёқ ўзини тиклаб олди. Энг муҳими одамлар раисга меҳр қўйиб қолдилар. Чунки у халқ гаиним, халқ дардига чинакам шерик бўлиб, унинг оғирини енгил қияпти. Бунга қандай қилиб эришилди? Қуйида Камолитдин Муҳитдинов шу саволга жавоб беради.

— 1992 йил октябрь ойида мени раис қилиб сайлашди. Аҳвол билан танишсам, муаммолар кўп экан. Мендан олдин шу лайлаққуллик муаллим салкам бир йил ишлаган экан. У яхши инсон сифатида менда ҳам меҳр уйғотди. Лекин раис сифатида иши юришмаганидан ачиндим. Менимча, бунинг иккита сабаби бўлган. Биринчиси шуки, собиқ раис шу соҳа бўйича мутахассис эмас, халқимизда чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган мақол бор. Бу мақол бежиз тўқилмаган. Иккинчи сабаби шуки, одобли, юмшоқ, оқ кўнгли раисни «ўзимизнинг боламиз» деб ҳисоблашиб, баъзи бировлар ҳурмати жойига қўймаган. Шундан интизом бўшашиб қолган. Мана ҳозир у киши менга муовин. Ҳақиқатда камтар, вазмин, мулоҳазали одам экан. Ижрочилик қобилияти ҳам дуруст. Биргалашиб ишляпмиз. Натижаси яхши бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишга келган кундан бошлаб пахтани, чорвани ҳам эмас, одамларни тезроқ тўйдирадиган экинларни, масалан, ғаллани ўйладим. Тўғри, асосий тирикчилигимиз пахтачиликдан. Лекин кўпинча шу асосий соҳа кетидан қувиб, бошқа тармоқларни унутиб қўямиз. Узингиз ўйлаб кўринг, пахтачилик ҳар қанча мўл даромад келтирса ҳам ундан тушган пул оиланинг, хўжаликнинг ҳамма харажатларини қоплай олмайди.

1992 йилда 65 гектар ерга маккажўхори экилган экан. Ундан сўтаси билан қўшиб ҳисоблаганда 37 центнердан ҳосил олинди. Бошоқли дон экинлари экилмаган. Турли мутаассадди ташкилотлар билан келишган ҳолда оз бўлса ҳам, шу донни хўжаликнинг ўзида қолдириб, бир қисмини фермага, яна бир қисмини халққа тарқатдик. Шу 65 гектар ерга баҳорда буғдой эдик (кузги буғдой экилмаган экан). Бундан ташқари, 50 гектар ерга кузги ва баҳорги арпа экилди. Оқибатда бу йил аҳолини моддий таъминлаш анча яхшиланди.

65 гектар ердаги буғдойдан 42 центнердан ҳосил олдик. Агар бу йил ёнгирчилик сероб бўлди, деб ғаллани суғормаганимизда бунчалик мўл ҳосил олинмас эди. Бунинг сабабини ғаллакор яхши билади. Осмондан тушган нам ҳар қанча кўп бўлса ҳам оқинсувнинг ўрнини босолмайди. Шуни назарда тутиб, ғаллани икки марта суғордик.

Лекин арпадан бу йил мўл ҳосил ололмадик. Сотиб олган уруғимиз икки қиррали арпа бўлиб чиқди. Агар олти қиррали уруғ бўлганида ҳосил юқори бўлар эди. Шунинг учун 10 гектар майдонни уруғлик ғалла учун ажратдик. Бу йил куздан бошлаб сараланган ўз уруғимиздан экяпмиз. Бундай уруғликнинг ортиқчасини бошқаларга сотсак ҳам, пули катта бўлади. Хуллас, сара уруғ — ҳосил бўлик.

Хўжаликда меҳнат қиладиган, нафақа оладиган, боқувчисиз одамларнинг ҳаммаси 516 киши экан (жами 2250 жон яшайди). Шу 516 кишининг ҳар бирига 100 килодан буғдой, 50 килодан арпа тарқатдик. Бунда қишлоғимизда яшаб, бошқа жойда ишлаб турган кишиларни ҳам унутмадик. Фақат уларга буғдойнинг ҳар килосини 40 сўмдан, хўжаликда ишлаб турган кишиларга 25 сўмдан, фахрий ва ногиронларга 20 сўмдан, боқувчисиз нафақахўрларга 15 сўмдан сотдик.

Юз эллик килодан ғалла нима бўпти, дейишлари мумкин. Аввало, оиладан икки киши ишласа — 300 кило, уч киши ишласа — 450 кило дон олди. 4—5 нафар ишловчиси бор оилалар шунга яраша ғалла олишди.

Бундан ташқари, биз бултур кузданоқ томорқаларга ғалла экинни тарғиб қилдик. Ҳисоблаб чиқсак, одамлар шахсий томорқаларида 74 тонна буғдой етиштирибди.

Мана бу рақамга эътибор беринг. Механизатор Тошпўлат Қаршиев оиласи ярим гектар ердан 3350 кило, Нарзулла Шералиев эса 0,2 гектар ердан 1650 кило буғдой олди.

Гапнинг қисқаси, хўжалик ҳудудидида ҳаммаси бўлиб 484 тонна ғалла етиштирилди. Бу биздаги аҳоли жон бо-

шига 215 килодан ғалла тўғри келди, деган гап. Яна 30 гектар ерга шולי эканмиз. Ундан ҳам 80-90 тонна ҳосил олишимиз мумкин. Буни ҳам халқимизга арзон нархда берамиз.

Бизда ҳаммаси бўлиб 1050 гектар экинзор бор. Агар тадбиркорлик қилмасак, бу ер билан ҳам одамларни, ҳам чорвани тўйдириш қийин. Пахта майдонларини ижара усулида одамларга бўлиб берганмиз. Фермани хусусийлаштирганмиз. Демак, бу соҳалардан кўнглимиз тўқ. Одамлар ўзлари қанчалик яхши ишлашса, шунча кўп даромад олишларини билишади. Шунинг учун биз қўшимча даромад берадиган, ҳозирги қийин шароитда одамларни тўйдирадиган соҳаларга кўпроқ эътибор беришимиз лозим.

— Кечирасиз, раис, шу ерда гапнингизни бўламан. Сўхбатимизнинг бошида ёшлигингиз ҳақида гапириб, 10 та нонни 15 та қилар эдим, дедингиз. Шунга унчалик тушунмадим, шарҳлаб берсангиз.

— Сиз ёшлигимни эслатиб, ўтмишимни, халқимиз бошига тушган оғир қисматни хотирлашга туртки бердингиз. Гапни сал нарироқдан бошлайман. Боболаримнинг бири базоз, яна бири деҳқон бўлган. Шу деҳқон бобом раҳматлининг кичкина сув тегирмони бўлган экан. 1941 йилги урушнинг тинка қуритадиган қийин кунларида ёш бола бўлсам ҳам мени шу тегирмонга ишга қўйишди. Шунда ҳар куни уйда нон ёптириб келаман-да, битта 250 грамм нонни шунча унга алмаштираман. Тегирмонда навбат кутиб тунда ҳам қолиб кетган одамлар жон деб шу нондан олишади. Демак, ўн донга нонга икки ярим кило ун оламан. Уйга элтиб, шу унни ёпамиз, ўн беш донга нон чиқади. Ёнимизга қолган бешта нон билан бутун оила жон сақлаганмиз.

— Бундан чиқди, ғалланинг кадрини ўшандаёқ билиб олган экансизда!..

— Шундай деса бўлади. Ғалла пишишини бутун халқ интиқиб кутарэди. Ҳосил ўриб олиниши билан ҳаммамиз машоқ теришга чиқардик. Колхоз раҳбарлари нима учундир отда юришиб машоқчиларни қувшарди. Бир ҳовуч дон топаман деб, хўжайинларнинг қамчисидан боши ёрилган шўрликлар ҳам кўп эди у замонда. Гапнинг қисқаси, одамнинг давлати унинг чўнтакдаги пули, қўрадаги моли билан эмас, оғирдаги дони билан ўлчанарди. Бошқа нарсаларсиз ҳаёт кечириш мумкин, лекин дондунсиз, нонсиз яшаб бўлмайди. Менинг ҳамма ишларимда шу нарса асосий мезон бўлиб қолган.

Яна бир гапни кўп эслайман. Бувим раҳматли келин-қизларига хамир қориш учун ун олаётганида «болам, косани унга ботириб олма, тагидан қириб ол» дер эдилар. Илгари бу гапдан ҳайрон бўлар эдим. Ботириб олди нимаю қириб олди нима деб ўйлардим. Кейинроқ тушундим, қўлидаги идишни унга ботириб олиш — бели оғирмаганининг нон ейишини кўр қабилида иш тутиш экан. Қириб олиш эса тежамкорликни, унни исроф қилмай эъзозлаб ишлатишни билдиракан. Шуларнинг ҳаммаси менда ўчмас из қолдирган. Тўйлар, маъракалардаги исрофгарчиликни кўрсам, юрагим туз сепилгандай ачишади. Айниқса, ўзи деҳқон бўлиб, дон етиштириб, нонни бунёд этган киши унни исроф қилса, бунга чидаб бўладими.

Кўпинча қишлоқ турмуш маданиятидаги нуқсонлардан хафа бўлиб, худди бетоб одамдай ғалати бўлиб юраман. Ҳозир, ҳар соҳада танқислик сезилиб турган кунларда ҳам кундалик турмушда, тўй-маъракаларда «сендан мен камми» қабилида иш тутаётганлар учраб туради. Мана шунинг ўзи ҳам маданиятимизни пастигидан далолатдир.

Саволингизга жавоб бераман деб анча четга чиқиб кетдим, чамамда. Мен айтмоқчиманки, нон — ризқирўзимиз. Уни кўпайтириш, мўл бўлганда эса исроф қилмай расамати билан ишлатиш худога ҳам, бандога ҳам хуш келадиган иш. Аммо сара уруғ бўлмаса, дон кўпаймайди. Шунинг учун ҳар бир туманда битта хўжаликка мослаштириш зарур деб ҳисоблайман.

Кўпинча, давлатдан сотиб олинган уруғлик аралаш ёки биз кутганимиздан бошқа бўлиб чиқаяпти. Бу уруғликка эътиборнинг сустлиги оқибатидир. Агар уруғчи хўжалик ўз туманингда бўлса, ундан сўраш, талаб қилиш ҳам, бериш ҳам осон бўлади.

— Юқорида бу йилги арпамиз икки қиррали чиқиб қолди, уруғчиликдан ютқизган эканмиз дедингиз, бунинг маъноси нима!

— Икки қиррали арпа бошоғининг фақат икки ёни дон олиб, қилтириғи ҳам шу икки томонда бўлади. Бунақа арпани чумчуқ думбуллигида сўриб ташлаши мумкин. Тўрт ёки олти қиррали бошоқда биринчидан дон кўп бўлади. Иккинчидан унинг ҳамма томонидида қилтириқ ўсиб чумчуқ сўришига халақит беради. Мана бу йил арпадан 20 центнер атрофида ҳосил олдик. Аслида бундан бир ярим, ҳатто икки баравар ортиқ ҳосил етиштирса бўлади.

Эсон бўлсак, одамларга кенг тушунтириш, уруғчилик ишларини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини ошириш орқали ғаллачиликни йил сайин ошириб борамиз. Шу йўл билан халқни ижтимоий ҳимоялаш вазифасини ҳал қиламиз.

Сўхбатдош: Саминжон СУЛТОНОВ,

«Ишонч» мухбири.

## ИШ БОШИ — ИНТИЗОМДАН

ҲУРМАТЛИ, эътиборли, меҳрли, яхши хулқ-атворли кишилар учрашганида каломни саломдан бошлашади. Сўнгра бир-бирларига иззат-икром кўрсатишади. Файз-барақа, унумли меҳнат, осойишта ҳаёт ҳукм сурган жамоада иш боши — интизом ҳисобланади.

Зомин туманидаги «Ғалаба» давлат хўжалигида бўлганимда меҳнат унумдорлиги ҳам, файзу барақа ҳам, осойишталик ҳам интизомга боғлиқ эканлигига амин бўлдим.

— Сиз қандай босқичлардан ўтиб хўжаликка раҳбар бўлиб келдингиз, — сўраймиз хўжалик раҳбари Муҳаммади Абдуғаниевдан.

— Хўжаликларда бош мутахассис, партия кўмитаси котиби, мана етти йилдирки 3 «А» давлат хўжалигида раҳбарман. Мутахассислигим муҳандислик. Олийгоҳни битириб 10 «А» давлат хўжалигига ишга келганман. Бу ерда ўн беш йил бош муҳандислик қилдим. Ана шу йилларда хўжалик раҳбари Худоёр Латиповдан муомила одобини, одамлар билан ишлаш, техникани ишлатиш, хўжаликни бошқариш қонун-қоидаларини ўргандим. У киши хўжаликни бошқаришнинг энг йирик ташкилотчиси, билимдон раҳбари, деҳқончиликда назарияни амалиётга боғлаган фан номзоди эди.

— Хўжалик ҳақида гапирсангиз.

— «Ғалаба» давлат хўжалигимиз 1978 йилда ташкил бўлган. 3500 гектар пахта, 285 гектар ғалла, 895 гектар беда, 200 гектар маккажўхори, 40 гектар боғ, 15 гектар ток майдонига эгамиз. Ҳар йили яна 20 гектарга шולי, 20 гектарга лавлаги, 15 гектарга полиз, 70 гектарга кунгабоқар экамиз. Давлатга 350 тонна сут, 70 тонна гўшт, 3 тонна пилла, 5500 тонна пахта, 350 тонна дон, 80 тонна сабзавот, 15 минг дон тухум топширамиз.

Ўтган йили хўжалигимиз деҳқончилик ва чорвачиликдан 83 миллион 874 минг сўм даромад қилишни режалаштирган эди. Ҳақиқатда 135 миллион 691 минг сўм даромад килди. Маҳсулот етиштириш учун 124 миллион 969 минг сўм сарф-харажат бўлди. Хўжалигимиз йилни 10 миллион 722 минг сўм соф фойда билан якунлади. Ихтиёримизда сотилмаган 260 тонна пахта толаси турибди. Тоннасига 640 минг сўмдан пул тўламоқчи бўлган харидорлар келиб турибди. Ҳозирча пулга эҳтиёжимиз йўқ. Толани ким ошди савдоси асосида пуллаш режамиз бор.

— Айтингчи, меҳнатқашларга яратилган қулайлик ва ғамхўрликлар нималардан иборат?

— Хўжалигимизда ўрта мактаб, 140 ўринли боғча, кутубхона, қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та озик-овқат дўкони, 2 та саннат ва хўжалик моллари магазини, нонвойхона, чойхона, ошхона, ёзги клуб ишлаб турибди. Аҳоли тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланган. Хонадонлар 100 фоиз газлаштирилган.

Ўтган йили ишчиларга 1495 тонна хашак, 40 тонна шולי арзон нархда сотилди. Маърака қилувчиларга 68 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Хўжаликда яшовчи уруш қатнашчилари ва ногиронларига, байналмилал жангчиларга, қахрамон оналарга, боқувчисини йўқотган оилаларга, меҳнат фахрийларига — жами 74 кишига шу йил январ ойидан йил охиригача ойига 500 сўмдан қўшимча нафақа белгиланди. Ўтган йили 146 киши, бу йил беш ой ичида 106 киши санаторий, профилакторийларда бепул дам олиб кайтдилар, саёхатда бўлдилар.

— Чўлини ўзлаштириш борасидаги меҳнатларингиз тақдирланганми?

— 1991 йилда эришган ютуқларимиз учун 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берилди. Туман Совети депутатиман. Гап мукофотда эмас. Халққа ҳалол хизмат қилиш, уларнинг меҳрини қозониш, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар қандай мукофотлардан юқори туради, деб ўйлайман.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» мухбири.



Саволларга Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг бош мутахассиси Мукаддам Ҳасанбоева жавоб беради.

*1986 йилда ҳарбий хизматни Чернобиль АЭСда 15 июлдан 23 августгача адо этдим. Ҳозирги пайтда 2-гурӯх ногирониман. Қанча миқдорда пенсия олишим керак ва қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?*

**Қувондиқ УМАРОВ,**  
Самарқанд вилояти, Булунғир тумани.

Муддатли ҳарбий хизматни Чернобильда ўтган ҳарбий хизматчиларга ногиронлик пенсияси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробар миқдоридан меҳнат қобилиятини неча фойз йўқотганлигига боғлиқ ҳолда тайинланади. Уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрель 170-сонли Қарори билан қатор имтиёзлар белгиланган.

Мазкур қарорнинг 1 қисми 1-бандида кўрсатилган ногиронларга уларнинг саломатлигига етказилган зарар учун қуйидаги миқдорларда бир йўла товон тўланади: 1-гурӯхга 10 минг сўм; 2-гурӯхга 7 минг сўм; 3-гурӯхга 5 минг сўм. Уларга ҳар йили саломатликларини тиклаш мақсадида қуйидаги миқдорларда моддий ёрдам пули ҳам тўланади: 1 ва 2-гурӯх ногиронларига энг кам иш ҳақи миқдорининг 3 баробари, 3-гурӯхга энг кам иш ҳақи миқдорининг 2 баробари миқдоридан;

Чернобиль фалокати оқибатида боқувчисини йўқотган болали оилаларга бир йўла 10 минг сўм, ҳалок бўлганнинг ота-онасига 5 минг сўм миқдо-

рида товон пули тўланади.

Мазкур қарорнинг 1-бўлими 3-бандида кўрсатилган 1988 йилда Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатилишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тиклаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорининг 2 баробар миқдоридан моддий ёрдам пули тўланади.

Мазкур қарорнинг 1-бўлими 3-бандида кўрсатилган 1989 йилда иштирок этган шахсларга эса ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдоридан моддий ёрдам пули тўланади.

Дори-дармонларни бепул олиш (врачнинг рецетига асосан);

— Ясама тишларни бепул тайёрлатиш ва таъмирлатиш (қимматбаҳо металлдан тайёрланган ясама тишлар бундан мустасно);

— Узлуксиз иш стажидан катъий назар меҳнатга вақтинча қобилиятсизлиги туфайли ойлик маошининг 100 фойзи миқдоридан нафақа олиш;

— Ўзи ва оила аъзолари яшаётган турар жой учун ишчи ва хизматчиларга белгиланган квартира ҳақининг 50 фойзи миқдоридан амалдаги ко-

нунларда белгиланган нормалар доирасида ҳақ тўлаш;

— Чернобиль фалокати натижасида ҳалок бўлганлар, нурланиш касаллиги туфайли вафот этганлар ва вафот этган ногиронларнинг оилаларига, иситиш, электр энергияси, сув ва газдан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақнинг 50 фойзини чегириб тўлайдилар, марказлаштирилган иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларда яшовчилар учун эса аҳолига сотиладиган миқдорда сотиб олинган ёқилғи нархининг 50 фойзини тўлайдилар.

— Давлат ихтиёридаги ўзлари яшаб турган турар жойларни текинга шахсий мулк қилиб олиш;

— шаҳар транспортларида (таксидан ташқари), ўзи яшаб турган маъмурий район доирасидаги қишлоқ жойларидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида, шунингдек, шаҳар атрофида катнайдиган темир йўл транспортида, шаҳардан ташқаридаги маршрутларда катнайдиган автобусларда бепул юриш, йилда бир марта бориш ва келиш учун темир йўлда бепул юриш;

— Биринчи навбатда телефон ўрнатиш;

— Ходимлар сони ёки штат қисқарганда асосан ўз иш жойида қолдириш;

— Яқка тартибда ёки кооператив уй-жой куриш учун биринчи навбатда ер участкалари олиш ва куриш учун фойзсиз қарз олиш ва яна бир қатор имтиёзлар белгиланган.

вишда қариллик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Машинаст-тракторчи, тракторлар ва экскаваторлар базасида ўрнатилган йўл ва юк ташиш-тушириш машиналари, қурилиш машиналари машинастлари бўлиб ишлаётган аёлларга умумий иш стажикамида 20 йил бўлиб, шундан камида 15 йил мазкур ишда банд бўлган тақдирда 50 ёшга тўлганларида имтиёзли қариллик пенсияси тайинланади.

*Қайси турдаги тракторчиларга 55 ёшдан имтиёзли равишда пенсия тайинланади?*

**А. АБДУСАМАТОВ,**  
Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги.

**З. УСМОНОВА,**  
Қорақалпоғистон республикаси Амударё тумани «Тўлқин» жамоа хўжалиги.

Амалдаги Қонунга асосан жамоа хўжаликларидан, давлат хўжаликларидан, бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бе-

восита банд бўлган машинаст-тракторчилар эркаклар иш стажикамида 25 йил бўлиб, шундан камида 20 йил мазкур ишда банд бўлганларида 55 ёшга етганларида имтиёзли ра-

*Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 2-гурӯх меҳнат ногирониман. Телефон учун 50 фойз имтиёзли ҳақ тўлашим мумкинми?*

**Нурқул МУҲАММАДИЕВ,**  
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани.

Фақатгина Улуғ Ватан қатнашчилари ҳам ҳар уруши ногиронларига телефон бепул ўрнатиб берилди холос. Улуғ Ватан уруши ногиронлари ҳам,

*Мен 3-гурӯх ногирониман. Яшаб турган уйнинг тўлов пулларини 50 фойз имтиёз билан тўласам бўладими?*

**Маҳмуджон ТУРДИЕВ,**  
Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри.

Амалдаги қонунда 3-гурӯх ногиронлари коммунал ва маиший хизматлар ва бошқа тўловлардан имтиёзли равишда фойдаланиши кўзда тутилмаган.

*Мени 12 нафар фарзандим бор. Қаҳрамон онаман, лекин ҳозирги пайтда гувоҳномамни йўқотиб қўйдим. Уни қайта тиклашни имконияти борми?*

**Х. ШОДИЕВА,**  
Навои вилояти, Навбахор туманидаги Навои номли жамоа хўжалиги.

Сизга «Қаҳрамон она» Девонига — «Мукофот-гувоҳномасини тиклаш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Девонига — «Мукофот-гувоҳномасини тиклаш бўлимига» ариза билан мурожаат қилишини тавсия этамиз.

*Бувам урушида қатнашиб, ярадор бўлиб бу тўғрисида ҳужжатлар ололмаганлар, даволанган госпиталнинг номери эсларида йўқ. Қайёққа мурожаат қилсак, уларга уруш ногиронлиги берилади?*

**Р. АВИЛОВА,**  
Қашқадарё вилояти, Косон тумани Губалак қишлоғи.

Ижтимоий таъминот органлари фуқароларнинг уруш даврида олган жароҳатларини тасдиқловчи ҳужжат бериш ҳуқуқига эга эмас.

Уруш ногиронлиги фақатгина ҳарбий комис-

сарнатларнинг маълумот-номаишига асосан белгиланади.

Шунинг учун Сизнинг бувангиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига мурожаат қилишлари керак.

● Саҳифани қотибят тайёрлади.



Яқинда бўлиб ўтган *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон фуқароларини ижтимоий таъминлашда катта аҳамиятга молик бўлган пенсия таъминоти тўғрисидаги давлат Қонуни муҳокама қилинди ва қабул этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» мавзусида нутқ сўзлади.*

*Яқин ва узоқ хорижий давлатларнинг раҳбарлари, сиёсий шарҳловчилар, иқтисодчи олимлар, сиёсатшунослар, жаҳон матбуоти республика Олий Кенгаши сессияси ишининг якунларини таҳлил этмоқдалар, сессия қабул қилган қонунларни шарҳламоқдалар.*

РЕСПУБЛИКАДА чуқур ўйланган ва ҳар жиҳатдан чамалаб кўрилган сиёсат юритилганлиги туфайли миллий давлатчилик асосларини барпо этиш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижрочилик жараёнлари тинч йўл билан борди. Жамиятнинг сиёсий тизими, давлат органларининг тузилмаси янгиланмоқда, республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати эса қонун йўли билан чегаралаб қўйилган. Республика Олий Кенгашининг қонун чиқариш фаолияти чуқур ўйланган ҳолда олиб борилаётир. Давлат бошқаруви янги, гоёт замонавий ва самарали тизими шаклланганлиги республика истиқлолини таъминлашда муҳим аҳамият қозонди. Республика Олий Кенгаши бошқа мустақил республикаларга караганда муҳим давлат қонунларини қабул қилишда анча илгариланган бораётир. Бунга Ўзбеки-

ги томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Утган қисқа икки йил ичида Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди. У БМТнинг ва етакчи халқаро ташкилотларнинг ҳамда ҳаракатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган сиёсат халқ томонидан тўла қўллаб қувватланмоқда ва у ўзининг дастлабки ижобий самараларини берди. Масалан, пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини бошқаришнинг жиловлари давлатнинг қўлларидасаклаб қилиниши иқтисодий жараёнларнинг ривожига салбий ҳодисалар таъсирини катта миқдорда камайтирди, унинг барқарорлашининг дастлабки белгилари пайдо бўлди. Агар МДХ мамлакатларида ялпи маҳсулотларнинг суръати кескин камайиб бо-

билан кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришди. Бу нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштиришда, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтиришди. Бу — бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, маҳсулотлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор шароитида ишлаб олинган малакали ходимлар тайёрлашди. Бу иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантиришнинг қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз сўзлаган ўз нутқида иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг яхлит дастурини оқилона таклиф қилади. Бу дастур қатъий молиявий ва солиқ сиёсатини ўтказишни, кредит-банк тизимини, пул муомиласини мустаҳкамлашни, валюта муносабатларини тартибга солишни талаб этади. Дастурда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва пулнинг кадрсизланишига қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш назарда тутилган.

Структуравий қайта ўзгартиришни амалда рўёбга чиқариш мақсадида қисқа муддатларда мева-сабзавот маҳсулотларини ва шунингдек қишлоқ хўжалигининг пахта маҳсулотларини қайта ишлаш, саклашни йўлга қўйиш ва шу билан рақобат қилиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни кўпайтиришга эришишди. Товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш юксак технология асосида амалга оширилиши зарур.

Иқтисодий дастурда қишлоқ хўжалигида унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб ислохотларни ўтказиш гоёт муҳим масала ҳисобланади. Чунки у катта резервларга эга, миллий даромаднинг гоёт муҳим ва белгилувчи манбаи ҳисобланади. Юртбошимиз ўз нутқида қишлоқ хўжалиги юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, у ҳар бир дехқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилишга рағбатлантириши лозимлигини бежиз таъкидламаган. Ерга бўлган муносабатни ўзгартириш, қишлоқдаги ортиқча ишчи кучларидан самаралироқ фойдаланиш, бунинг учун фермерликни ривожлантириш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатишга жалб қилиш керак. Бунинг учун замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни, саноат шаҳобчаларини очиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, касаначилик меҳнатининг барча турларидан фойдаланиш лозим. «Қишлоқ бунинг учун мутлақо янги бўлган тармоқлар ишлаб чиқариш ва замонавий маъиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил қилиш лозим бўлади», — деб таъкидлаб ўтди Президентимиз.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни белгиланган асосий йўналишларини ҳаётга тадбиқ этилиши иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиради. Мутлақо янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш, ривожланган тараккиёт йўлига ўтиб олиш имкониятини беради.

Иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун халқ хўжалигининг базавий тармоқларини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу — нефть ва газ саноатини, энергетика, олтин казиб чиқариш ва бошқа рангли металлургияни ривожлантиришди. Бу — экспорт имкониятларини кўпроқ даражада ошириш ва инвестиция базасини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи иқтисодий ислохотларни амалга оширишга сикдикли ёндошини тақозо этапти. «Иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, — деб кўрсатиб ўтди Президентимиз, — уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб етиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислохотлар гоёси билан яшаши лозим».

**Э. КАРИМОВ,**  
«Ишонч»нинг сиёсий шарҳловчиси.

## «КИРМИЗИ ДОН» ОМБОРЛАРГА ТЎКИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон шоникорлари бу йил ҳар қачонгига нисбатан давлатга «қирмизи дон» етказиб беришни барвақт бошлаб юбордилар. Бунинг учун шонли йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилганлиги асосий омил бўлди. Бу муҳим тадбир Уст-юрт пастекислигига туташиб кетган Қўнғирот туманининг «Хоразм» жамоа хўжалигида ҳам кўнғилдагидек олиб борилаётган. Амалдаги йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан жами 13 минг тонна, яъни Қўнғирот туманида етиштирилган шонли ҳосилнинг тўртдан бир қисмини етиштириб беришга аҳд қилган жамоа хўжалиги аъзолари илк баҳордан то олтин кузга қадар дала ишларини талаб даражасида ўтказишиб ўрмга пухта ҳозирлик кўришди. Натижада бепоеъ шонли майдонларига Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб комбайнлар жавлон ура бошлади. Дастлабки ўриб олинган гектарлар ҳосилдорлиги ўртача 42 центнердан тўғри келаётганлиги шоникорларни беҳад хурсанд қилмоқда.

Жамоа хўжалигида шонли ўрминини қисқа муддатларда сифатли қилиб ўтказиш мақсадида қасаба уюшма ташкилоти махсус дастур ишлаб чиққан эди. Ана шунинг амалга ошириш учун изчил иш олиб борилаётган. Шоникорлардаги 100 дан ортиқ комбайн ва жатқаларнинг бетўхтов ишлашини таъминлашда бевосита иштирок қилаётган 150 нафар механизаторларга ғамхўрлик доимо диққат марказида. Уларнинг иссиқ овқат билан таъминланиши, тиббий ёрдам, маданий-маъиший хизмат кўрсатилиши қасаба уюшмаси оталигига олинган. Хозирча қасаба уюшма фаоллари бу вазифани аъло даражада бажармоқдалар.

Барча дала ишлари конвейер усулида ўтказилаётганлиги сабабли мазкур жамоа хўжалигида олинган юксак мажбуриятни бажариш октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигига мўлжалланмоқда. Шунинг билан бирга шоникорлар келаси йил учун ҳам пухта ҳозирлик кўриб қўйишни асосий мақсад қилишган.

**Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

## ҲАШАР

«Ўзбекенгилсаноат» — энгил саноат моллари ишлаб чиқариш ассоциацияси тармоғида ўтказилган дастлабки ҳашар тадбири якунланди. Ассоциациянинг барча корхоналарида ўтган оммавий шанбалик юксак унумдорлик ва уюшқоқлик билан нишонланди.

Тармоқнинг 260 дан зиёд корхоналарининг жамоалари — заводлар, фабрикалар, бирлашмалар, уларнинг филиаллари ҳамда ишлаб чиқаришларида банд бўлган 350 минг киши зарбдор вахтада турди.

Шу кунни тайёр маҳсулот омборларга, кейинчалик шартнома бўйича савдо тармоқларига ҳамда турдош корхоналарга юбориладиган 1,5 миллион квадрат метр ип-газлама, шойи, жун газламалар ва нотўқима материаллар, 6,5 минг квадрат метр гилам, 300 минг дон тўқима кийимлар, 150 минг жуфт пойабзал топширилди.

Шунингдек, рўзгор моллари бозорига 250 минг дон чинни идишлар, 325 минг жуфт пайпоқ, 250 миллион сўмлик тайёр кийим-кечаклар ва бошқа кўнғина кенг истеъмол моллари юборилди.

300 миллион сўмликдан зиёд турли хил моллар ишлаб чиққан Ўзбекистон пойтахти, шунингдек Бухоро, Фарғона, Андижон корхоналарининг жамоалари, Марғилон ва Наманган шойи, Хива гилам тўқувчилари хайрия жамғармасига пул ўтказишга катта ҳисса қўшдилар.

«Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси сирғари халқ хўжалигининг муҳим тармоғидаги оммавий ҳашар тармоқ барча мутахассислари, қасаба уюшмаси фаолларининг ташаббуси билан ўтди, — дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши раиси Омонулло Сафоев. — Шанбалик ишлаб чиқаришида юксак уюшқоқлик, меҳнат ва ижрочилик интизими намойён бўлди. Энгил саноат меҳнатчилари, ишчилар, қасаба уюшмаси аъзолари ҳашарни Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишладилар...

**М. САВЕЛЬЕВ.**

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САРИ

тон Республикаси Конституцияси биринчилар қаторида қабул қилинганлиги ҳам яққол гувоҳлик бериб турибди. Конституцияда ҳаётимизнинг асосий тамойиллари, давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳуқуқий, ижтимоий-адолатли, эркин ва демократик жамият ташкил этишга йўналтирилган келажагимиз аниқ белгилаб берилган.

Жаҳон матбуоти Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий тараққиётининг ўз йўлини танлаб олганлиги тўғрисидаги бир маънода таъкидламоқда. «Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган», — деб кўрсатиб ўтди Президентимиз Ислам Каримов ўз нутқида. Бу йўл жаҳон амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини ҳам ҳисобга олади. Ривожланган тараккиёт йўлига ўтиб олишда танлаб олинган йўлнинг асосий маъноси ва моҳияти бу сохта оқиқобий сакрашларсиз, фожиали оқибатлар ва кучли ларзаласиз тадрижий ривожланишдан иборатдир. Бу йўл халқнинг тарихан қарор топган турмуш тарзини, мушоҳада қилиш тасаввурини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳисобга олади. Бу йўл республикада демократик ривожланишнинг муҳим хусусиятларини ва миллий тарқибининг ўзига хосликларидан келиб чиқади. Шунингдек, республиканинг стратегик жиҳатдан қулай жўроғий-сиёсий эгаллаб турган омилни ҳам ҳисобга олади.

Янгиланиш ва тараккиёт йўли улкан иқтисодий, табиий-хомашё захира-ларига, кишиларнинг ижтимоий онгида шаклланган қадриятларига таянади. Халқимизнинг давлат мустақиллиги сари танлаб олган йўлдан оғишмай олға интилаётганлигини жаҳон ҳамжамияти ва дунё жамоатчили-

риши содир бўлаётган бўлса, Ўзбекистонда иқтисодий инкироздан чиқиб олиш ўринлари мавжуд.

Ялпи ички маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши содир бўлмоқда. Ялпи ички маҳсулотлар пайиш суръатлари 1992 йилги 9,6 фоиздан шу йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришида эса 6 фоиздан 2 фоизгача тушди. Июль ойида саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг июль ойига нисбатан таққослама нархларда деярли 11 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги даражадан ошиб кетди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 12 фоиздан зиёдроқ кўпайди. Ун, макарон маҳсулотлари, ёрма, мол, ёғи, ип-газлама ва жун-газламалар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилга нисбатан 40 фоиздан 61 фоизгача кўпайди.

Ўзимизда қайта ишланаётган пахта толаси 10 фоиздан 16,5 фоизга, мис 13 фоиздан 20 фоизга етди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши 60 фоиздан 80 фоизгача ошди.

Ислохотнинг стратегиясини танлаб олиш пайтида асосий устун йўналишларни белгилаб олиш гоётда муҳим. Улар бир-бир билан узвий боғлиқдир. Юртбошимиз эътиборимизни қандай асосий устиворликлар ва йўналишларга қаратади? Аввало бу бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишди. Ўзини оқламаган маъмурий буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш тизимидан, боқимандалик психологиясидан қатъиян воз кечин керак. Бу давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шўғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш



## ЖОЗИБА КУЧИ

ТОҒ ораллигидан тошдан-тошга урулиб оқиб тушаётган дарёнинг шовуллаши дилларга ором, асабларга осойишталик бахш этади. Бир ёнда инсон қўли билан яратилган чамаси 50×20 метрлик ҳовуздаги зилол сув шабадада бамисоли денгиздек мавжланади, ҳар ер, ҳар ерда сув зарраларини пуркаб турган фавворачалар танга роҳат беради. Ҳовуз билан Угом ораллигидаги майдончада кун чиқмасдан одамлар тўплана бошлайди. Дев қомат бир кишининг ишораси билан эркаклар ҳовуз лабида, аёллар эса дарё бўйида саф тортиб машқ бошлашади.

Епирай, қандай ўзгариш рўй бердйкин, бу оромгоҳга неча йилдан бери дам олгани келамиз-у ҳар сафар эрта тонгдан радио орқали қилинган чақириқларга, шифокорларнинг насихатлари-ю тушунтиришларига қарамай эрталабки бадан тарбияга ҳеч қачон бунча одам тўпланмасди. Дастлаб келган кунлари спорт майдончасига тўплансалар ҳам, (бу майдонча янги бино қурилиши йўлига тушиб, бузилиб кетибди), бир-икки галдан кейин келмай қўйишлар, ўзбек аёллари эса эркаклар орасида машқ қилишдан ийманар эди.

Санаторий маъмурияти бадан тарбия мураббийсини ўзгартирибди-да, мана энди миллий шарм-ҳаёга риоя этилиб, бадан тарбия машқлари янги ташкил этилибди-да, деган хаёлга келдим рафиқамни аёллар томонига йўллаб, ўзим ҳовуз ёқасига йўл олдим. Бу ерда ўрта ёшлилардан тортиб саксон ёшни уриб қўйган кексалар ҳам тўпланишган экан.

Машқ ҳаракатлари ва усуллари ҳамма жойдагидан унчалик фарқ қилмас, аммо одамлар мураббий кўрсатган ҳар бир ҳаракатни завқ ва ихлос билан бажарар, ҳаракат қилар эдилар. Мен ҳам уларга эргашдим.

Одамларнинг бу қадар берилиб ҳаракат қилишлари сабабини аста-секин англай бошладим: ҳар бир машқ бошланишидан аввал мураббий уни ўзи ижро этиб, кўрсатар ва бунинг бадандаги қайси аъзога қандай наф келтириши ва қандай дардлардан фориг этишини айтар эди. Ҳар бир киши машини қандай бажараётганини кузатиб, хатосини тузатарди.

Мана, мураббийнинг сўзларига қўлоқ солинг: қўлларни юқорига кўтариб, чуқур нафас олиб, пастга туширамиз, бу машқ баданни уйғотади, мана шу ҳаракатни ўн марта қайтарамиз. Энди қўлларни пастдан юқорига кўтариб чуқур нафас оламиз, ҳа балли, отангизга раҳмат. Энди қўлларни юқори кўтариб бармоқларни очиб юмамиз, бу машқ юрак мушакларини мустаҳкамлайди, қўлларни ташқарига қаратиб, бармоқларни ўн марта очиб, юмамиз. Бўлди, Собиржон, санаб бораёпсизми? Ҳа баракалла!

Энди ўт қопида тош йиғилмаслиги ва унинг олдини олиш ҳаракатини бажарамиз. Мана бундай: бир, икки, уч, нафас олинг, нафас чиқаринг. Бир икки, уч. Отангизга раҳмат.

...Ўт қопида тош пайдо бўлиши ҳусусида орамиздаги Эркин Йўлдошев менга кейинроқ бир воқеани айтиб берди: севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ўт қопида тош пайдо

бўлиб, касалхонада ётар экан, шифокорлар тошни олиб ташлаш учун операция қилишдан бошқа илож йўқлигини айтишибди. Эркин Воҳидов чет элга қисқа сафар қилиши жуда зарурлигини айтиб, шу сафардан кейин албатта касалхонага қайтиб келишини ваъда қилиб турган экан, тасодифан кўзи деразага тушибди, у ерга келиб кўнган икки чумчуқ шўхлик қила бошлашибди, шунда шоир уларга завқ билан қараб бундай дебди:

Чумчуқлар деразамда,  
Чумчуқларга мазза-да,  
Оғрийдиган боши йўқ,  
Ўт қопида тоши йўқ.

Мана энди, азизлар, қоринга ёғ тўпланишининг олдини олиш машқини бажарамиз, мана бундай: нафас олинг, нафас чиқаринг, бир, икки, уч. Нафас чиқаринг, қоринни ичга тортинг, ҳа, балли, чуқурроқ нафас олинг, отангизга раҳмат!

— Собиржон, неча бўлди?

— Бир юз олтимишта.

— Баракалла. Энди одинома касаллиги олдини оладиган машқ бошлаймиз...

# ҒОФИР ОТА САБОҚЛАРИ

## ЕКИ ҚАРИМАСЛИК СИРЛАРИ

Шу тариқа машқлар бирин-кетин бажарилаверилади. Йўгон ичакларнинг фаолиятини яхшилайдиган, бўғинларда туз тўпланишининг олдини оладиган, буйракдаги қумларни тушириб юборадиган, инсултнинг (бош миёга қон қуйилишининг) олдини оладиган, мия қон томирлари фаолиятини яхшилайдиган ва шу каби бошқа машқлар қилинади. Ҳар бир машқ ўн мартадан ўттиз мартагача такрорланади. Собиржоннинг ҳисобича, машқлар тўққиз юз, минг мартага боради, булар 30-35 дақиқада бажарилади.

Тонгги бадан тарбияга тўпланганлар кун сайин кўпайиб боришининг сири нимадалигини пайқангандирсиз. Ҳар бир машқнинг аҳамияти тушунтириб берилганида одамларнинг шу қадар ҳафсала билан бажариши фикримни тортди.

Мени ҳаммадан кўпроқ ҳайратга солган нарса мураббийнинг фидойилиги эди. У машқларни ҳаммамиздан энгил, зўр маҳорат билан бажарар, ҳар бир машқнинг саногидан янглишмасди. Оғирроқ машқлар ярмисига борганда, кимга қийин бўлса, «Тўхтатинг» дерди-ю ўзи тўхтамасди. Шунда мен: «Ҳам машқ қилиб, ҳам тинимсиз гапириб туриш бу одамга қийин эмасми?» — деб ўйладиму дангал «ҳа, нонини егандан кейин, маошини қуртдек қилиб олганидан кейин чарчармиди, ўзи ҳам ҳали ёш кўринади», деб ўзимга ўзим жавоб бергандек бўлдим.

Машқ тугади. Ҳамма ҳар томонга тарқала бошлади. Мураббий эса уч-тўрт йигит қуршовида дарё бўйига бориб муздек сувда чўмила бошлайди...

Шу кундан бошлаб мураббийни санаторийнинг қаерида кўрсам, унга ҳурмат бажо эта бошладим. У ошхонада ҳам, хибонларда ҳам, кинохонада ҳам — ҳамма жойда дам олувчилар қуршовида бўлар, ҳамманинг ҳурматиға сазовор эди. Кейин билсам, у ҳам биз қатори йўлланма билан келган дам олувчи экан. Ис-

ми-шарифлари Ғофир Ғиёсович Юсупов. Яқиндан танишдим, гурунглашдик, отамлашдик. Ҳар галги суҳбатда унинг ҳаёти, фаолияти, оиласи билан таниша бордим, бутун фикри-зикри одамларга эзгулик қилиш эканини фаҳмлаб олдим.

У инсон қаерда яшамасин ва қайси лавозимни эгалламасин, ҳаммиша бевосита хизмат вазифасини ўташдан ташқари ҳамма жойда одамларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ўйлар, турли-туман спорт тўғаракларини ташкил этиб, ўзлари бошчилик қилар экан. Ёшлари ҳам бизга туолганчалик эмас, сал кам 80 га бориб қолган эканлар. Қомат йигитлардек тик, ортиқча семирш йўқ, юзлар таранг, ҳаракатлар энгил.

Биз билан дам олаётган дўстим Рауф Қаюмовнинг айтишича, Ғофир ота республика соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли франк номли шифокорлик ва жисмоний тарбия диспансери ташкил этилганидан бери қарийиб 25 йилдан буён унга қатнаб сиҳат-саломатлик гуруҳига бошчилик қилар эканлар. Диспансерга сиҳат-саломатлигини яхшилаш учун қатна-

оила аъзоларини, кўни-қўшни, ёр-биродарларни, хизматдошларни спортга, бадан тарбияга қизиқтириб, ҳар хил спорт тўғараклари ташкил этишни ўз бурчлари деб билар эдилар. Спорт турлари орасидан теннис энг севимлиси эди. Ғ. Ғ. Юсупов бир неча йиллар давомида республика Теннис федерациясининг президенти бўлганликлари тасодиф эмас.

## ДОНИШМАНДНИНГ ОҶИ

Шу тариқа «Хумсон» оромгоҳидаги дам олиш кунларимиз бирин-кетин кўнгилли ўтиб турган эди. Кунлардан бирида тонгги машқ тугаши билан Ғофир ота кўққисдан: «Хайр, энди, дўстлар, бизнинг муҳлатимиз тугади. Эртадан бошлаб сизларга Собиржон мураббийлик қилади. Машқни қанда қилманлар», — деб қолсалар бўладими. Ҳамма бирдан энг қадрдон кишидан айрилиб қолаётгандек маъюсланиб қолди. Улардан бири: «Анжанга йўлингиз турса, шод қилган бўлардингиз» деса, иккинчиси: «Сизни Шовотта кутамиз» дерди.

Ғофир ота ёқиб кетган чироқ анчагача сўнмади. Ҳаммамиз эрталаб соат 7.30 да ўша ерда тўпланар, Собиржон ака бизга бош бўлиб, машқ қилар эдик. Ундан кейин Абдураҳмон ака бизга мураббийлик қилди. Ҳар сафар Ғофир отани эслаб, унга тақлидан машқ қилиб турдик. Аммо сафимиз тобора сийраклашиб борарди. Кейинги мураббийларимиз янги дам олувчиларни жалб қила олишмади.

Инсонларнинг табиати-ю, руҳиятига ҳайрон қолсан, киши. Баъзилар карта, домино, нард каби бекорчи ўйинлар билан неча-неча соатлаб вақтларини ўтказадилар-у, аммо ўз танасини тарбиялашга, соғлиқини асрашга нахотки ярим соат вақтларини аяшса. Ахир бу ҳар кунги вақтнинг бор-йўғи икки фоиздан ошмайди-ку. Бирин-бир амалга миниб қолган айрим кишилар эса, хизмат машинаси тегиши биланоқ ҳатто пиёда юришни унутиб ҳам юборадилар. Бундай эринчоқлик тез-тез чарчашга, турли дардларга чалинишга, оқибатда умрни қисқартиришга олиб боришини нахотки ўйлашмас. Бундай кишилар ёши 40—50 га борар-бормас 70—80 яшар чолга ўхшаб қолишлари тасодиф эмас.

Шу топда Ғофир отанинг бир гапи ёдимга тушди.

— Эрта ўриндан туриб, ҳаракат қилишда хосият кўп, — дейди ота. — Шу хусусда бир ривоят эшитганман. Эмишки, ўтган замонда бир донишманд бўлган экан. Саҳар палласида шогирди зарур юмуш билан унинг ҳузурига келса, донишманд баланд шоҳсупада пичирлаб ўтирганмиш. Ниҳоят у оҳ тортиб юборибди. Шогирд бунинг сабабини сўрабди.

— Эй, гумроҳ бандалар, нахот ўзлари ўзларига душман бўлсалар, — дебди устоз надомат билан.

Шогирд ҳеч нарса англамабди.

— Мен мамлакатимиздаги тириklar билан ўликларни санаётган эдим, — дебди донишманд.

— Хўш, қайсилари кўп экан?

— Тириklarдан ўликлар кўп экан.

— Нечун?

— Нечун бўларди. Мен кун чиққунча ўриндан турмаганларни ўликлар қаторига қўшиб ҳисобладим, — дебди донишманд.

Мана, кўрдингизми, донолар эрта тонгда ўриндан туришга азалдан қандай аҳамият беришган...

Шу кунларда ҳам Ғофир отанинг эрта тонгда гира-ширада Тошкент кўчаларидан бешёғочдаги сиҳат-саломатлик масканига бораётганини кўриш мумкин.

Саксон ёшда қирқ яшар йигитдек бардам ва тетик юраман десангиз, Ғофир отанинг кетидан эргашинг. Кам бўлмайсиз.

Собит ТОИРОВ,  
Ўзбекистон журналистлар  
уюшмасининг аъзоси, Республикада  
хизмат кўрсатган маданият ходими.



ЭЛБЕК—шоирнинг адабий таҳаллуси бўлиб, асли исми Машрик, отасининг оти Юнусдир. Шоир Машрик (Элбек) 1898 йили ҳозирги Тошкент вилояти собиқ Искандар бўлисининг Хумсон қишлоғида камбағал оиласида туғилди. Шоир кейинчалик болалигини эслаб шундай ёзади: «1905 йилда қишлоқ эски мактабига кириб ўқидим. Бу мактабда 4 йил ўқув-ёзувни ўргандим. Отамнинг менадан бошқа ҳам болалари бўлгани учун бизни боқа олмасди. Мен ёшлиқдан деҳқончилик ишларига берилдим. 1910—1911 йилларда жуда қийинчилик натижасида, бошқа ака-укаларим каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим.

Тошкентда 1911 йили бир кишида карол бўлиб ишладим. Шу йили эски шаҳар Девонбеги маҳалласидаги «Хоний» мактабига ўқишга кирдим. Ўқишга

туриб айтсак, улар нима қила олардилар. Ўзларнинг кўшининг қулогини тутиб ер ҳайданглар, деб айта олмасми?.. Биз ишламасак, булар оч қоладилар, оч қолганларидан сўнг, албатта, биз билан келишишга мажбур бўладилар».

Унинг кўпгина шеърларида бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган экологик масалалар: табиат гўзалликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳр-муҳаббат, инсон ҳаёти ва болалар тарбиясига боғлиқ битмас-туганмас маънавий таъсирлари завқ-шавқ билан куйланади («Бизнинг қишлоқ», «Турналар», «Қалдирғоч», «Лолазорда», «Кўклам» ва бошқалар).

Элбек ўзбек оғзаки ижод соҳасида ҳам қалам тебратган маърифат соҳибидир. У профессор Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зарипов, Буюк Каримов, М. Солихов каби тилшунос, фолклор-



Унинг «Имло ва тил қурултойининг чақирилиши олдидан» (1920), «Ўлка ўзбек имло қурултойи ва унинг қолдирган таъсири» (1921), «Турк тилларининг қонунлари тўғрисида» (1922), «Тил дарслиги» (1923), «Тилимиздаги янгиликлар» (1924), «Яна тил, имло масаласи» (1925), «Имломиз устида бир неча сўз» (1927), «Тил — имломиз устида» (1929) каби бир қанча мақола ва қўлланмалари ҳам шоир Элбекнинг тил ва имло масалалари билан асосли равишда шуғулланганидан далолат беради.

Афсуски, шоир ва педагог, масалчи ва фолклорчи, таржимон ҳам тилчи Элбек 1937 йили Сталин шахсига сизинининг оғир йилларида ўзининг бир қатор замондош дўстлари, олим ва ёзувчилар — Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, М. Солихов, Ғози Олим Юнусов ва бошқалар қатори миллатчиликда айбланиб, қораланади. Уша давр матбуоти ҳеч қандай далилга асосланмаган аксиникилобчи, миллатчилик айбларини такаб шундай ёзди: «Фитратнинг энг содиқ шоғирди Элбек аксиникилобчиларнинг қонли лагерида туриб, партияга ва советларга қарши заҳарли шеър, масал, мақоллар ёзди. Аксиникилобчиларнинг газета, журналлари кўпинча, Элбекнинг шеърисиз чиқмас эди. Элбек ўзининг истар ўтмишда, истар ҳозирги ижоди билан советларга қарши душман тегириғига актив равишда сув қўйиб келди».

Натижада маърифатли ва маданиятли қалам соҳиби Элбек ҳам социалистик қонунчилиқнинг бузилиши кўрбонларидан бири бўлди. У келажакка умид боғлаб, яхши кунлар келиши ҳақида кўплаб шеърлар ёзган эди.

**Гув-гув шамол овози,  
Баҳорнинг чолғу сози.  
Булут ғамни йўқ этар,  
Кўнгилга шодлик етар.**

деб истак билдирган эди. Истагига етолмади. Унинг адабий ва илмий мероси, таржимачилик ва фолклор соҳасидаги ишларини тўплаш ва ўрганиш, нашр этиш бугунги қайта қуриш даврида адабиётчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

**Шерали ТУРДИЕВ,  
Филология фанлари номзоди.**

*Ҳаво қоронғи, булут,  
Осмонда чақмоқ йилт-йилт.  
Дарахларнинг шоҳлари  
Тебраниб, ларзон урди,  
Шамол ёмғирни ҳайдаб,  
Истаган ёққа сурди.  
Гув-гув шамол овози —  
Баҳорнинг чолғу сози,  
Булут ғамни йўқ этди  
Кўнгилга шодлик етди.*

## ИНСОН ТИРИКЛИГИДА ЭЪЗОЗЛАНАДИ

...Пайғамбаримиз Жаноби Расулил-лоҳ саллаллоҳи алайҳи вассаламни беш ёшларида осмондан паришталар келиб юрагини ёриб нурга тўлатиб яна ўзидек қилиб кетишган.

Пайғамбаримиз то умрининг охиригача ҳақ йўлдан адашмади, ҳатто сўнгги нафасигача умматим-умматим деб, бу оламга ўчмас нур қолдирди, икки дунё умматларининг қалбидан жой олди, Омин. Бу умматларни эса осмондан паришталар келиб ҳар бирларини қалбларини ёриб, қалбдаги шайтонларни, худбинликларни, мунофиқликларни, инсон-инсонни кўролмасликларни чиқариб, нурга тўлатмаганиданми ҳаётда ҳеч қачон бир-бирларини олдинга ўтказишга рағбат келмайди, ҳеч ким ўзидан бошқани яхши деб атамайди...

Шайтон одамнинг тирикликда қилган яхшиликларини кўзга кўрсаттирмайди. Уша кадр топмаган, ёмон дейилган одам вақти келиб ўлганда шайтон ўлгур унинг қалбидан қочиб кетгандан кейин ўша одамнинг ҳаётлигида қилган яхши ишлари, яхшиликлари, инсонлиги, бу оламга ярашган гўзалликларни кўриниб қолади!

Ол энди у одамнинг тепасида доловойлар, оҳ-воҳлар қилиб, нимага мен бу одамни тирикликда улуглигини билмадим, деб қуйиб-ёнади. Бирон одамдан ўша ўлганнинг яхшиликларини ҳақида эшитиб, вой бизларнинг шундай умид, булут одамимиз бор экан, халқни яхши йўлга, ҳақиқатга бошлаган экан, билмай қолиб-миз, деб, матбуотларда, ойнаи жаҳонда, ҳаво тўлқинларида, йиғилишларда эълон қилдирилади.

Дарҳақиқат, инсон қалбидаги шайтонга ҳай бермасдан, ақл кўзи билан инсонга ҳурмат-иззат қилмоқлик, ўз жойида кадрлаш — инсонликдан экан.

**ҲИҚМАТ:** Бугунги кунни ўйлаганлар кийим-кечак, мол-дунё, манишат ташвишини қиладилар. Эртани, келажакни ўйлаганлар илм, ҳунар, эзгулик, мустақиллик, ҳақиқат ғамини қиладилар!

**Абдурахим УМАРОВ.**

## МАХСУС СТИПЕНДИЯ

ЖИЗЗАХ шаҳар ҳокими, шаҳар қасаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши, шаҳар деҳқончилик мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси раёсати қарорига кўра Жиззах шаҳар олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг учинчи ва ундан юқори курс аълочи ҳамда жамоатчи талабалари учун атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номидаги махсус стипендия таъсис этилди. Ушбу стипендиялар 7 та бўлиб, ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига биттадан белгиланган. Ш. Рашидов стипендияси олий ўқув юртининг энг юқори стипендиясидан 30 фоиз оширилган миқдорда берилмоқда.

## ЎҚУВЧИЛАР УЧУН — АВТОБУСЛАР БЕПУЛ

Жиззах шаҳар ҳокими ва шаҳар деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан имзоланган шартномага мувофиқ ўрта таълим мактабларининг шаҳар ва шаҳар атрофидан қатнаб таҳсил оладиган ўқувчиларга шаҳар маршрутларидаги йўловчи автобусларда ўқув йили давомида бепул юриш имтиёзи кўзда тутилган. Шаҳардаги 3 миң 300 ўқувчига «Сентябрь-май» ойларида шаҳар йўловчи автобусларида бепул юриш ҳуқуқи берилди.

Шаҳар қасаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан ўқувчиларга кўрсатилаётган ушбу ғамхўрликдан ота-оналар гоёт мамнун.

**«Ишонч» мухбири.**

## «КЎНГИЛГА ШОДЛИК ЕТАР...»

кириш мени кўп севинтирди, лекин моддий ёқдан кўп сикилганлигим анча хафа қиларди. Ҳатто киш кунлари оёк-яланг қолдим. Етар ер йўқ. Баъзан ўртокларим уйда, кўпинча мактаб ҳужрасида, эски намат орасига ўралиб ётиб, киш ўтказардим».

Бундай узлуксиз қийналишларнинг асабларини ҳам бўшаштиради ва дарс вақтларида, муаллимлар билан бўладиган муносабатларида ҳам келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Шу туфайли интизомсизликда айбланиб мактабдан ҳайдалади. Элбек қийинчиликларга қарамай 1914 йили шаҳардаги «Намуна» мактабига кириб ўқийди, муаллимлик ҳам қилади, кейинчалик ўқитувчилар тайёрлов курсларида ўқиб, маълумотини ошириб боради. Элбек ёшлик йилларида бошидан кечирган бу ҳўрлик, зорликлар кейинчалик унинг «Ўтмишим» (1929) достонида акс этади.

Шоирнинг «Кўшчи Турғун», «Батрак Қоравой» ҳикояларида асосан ўзбек деҳқонларнинг ўтмишдаги оғир ҳаёти, бойлар кўлида эзилиши, уларга қарши олиб борган норозилик ҳаракатлари қаламга олинади. Бу, айниқса, унинг «Кўшчи Турғун» ҳикоясида ўз хўжайини Мухаммадамин даласида хизматкорларга қарата айтган ушбу сўзларида очик кўринади: «Биз шул хўжайинларнинг ишларини ишлатувчи кишилармиз, биз йил ўн икки ой ишлаймиз-да, орттирган нарсамизга қорнимиз ёлчиб тўймайди, эгнимизга эса яхшироқ кийим битмайди. Биз ишлаб туриб тўя олмасак... Биз ҳам улардай бир одам. Нечун биз хўжайинимизга «бературғон нарсангиз оз, кўпроқ беринг», деб айтмаймиз. Башарти ёлғиз айтишга кўрққанимизда, нечун тўпланиб туриб сўрамаймиз. Агар тўпланиб

шунос олимлар билан биргаликда ўзбек халқ тили ва оғзаки ижод намуналарини йиғиш ва нашр этишда, атамалар лўғатини тузишда, имло муаммоларини ҳал этиш ишларида ҳам фаол қатнашди. У 1919 йил бошларида Фитрат раҳбарлигида тузилган «Чигатой гурунги»нинг фаол аъзоларидан бири сифатида иштирок этдию, кейинчалик Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим Юнусовлар билан бирга ўзбек илмий комиссияси раҳбари ҳам бўлиб ишлади. Чўлпон, Ғулом Зафарий ва бошқалар билан бирга Фарғонадан минглаб халқ мақол ва маталарни, халқ кўшиқ ва лапарларини, этнография материалларини тўплаб келади. Ҳозирги замон ўзбек тилида кам қўлланиладиган «Ўзбек халқининг изоҳли лўғати» материаллар» деган иш ёзади, ўзбек тилининг мукамал изоҳли лўғатини яратиш учун киришади. У халқ ижодининг дурдоналаридан бўлган кўшиқ ва лапарларни тўплаш ва нашр қилишнинг биринчи жонкуяри сифатида бонг уради: «Адабий қимматни ўз ичига олган чуқур маънолари билан кўнгилни ўзига тортатурғон матал, эртақ, чўпчак, жумбоқ ва лапарларимиз бугун ўз-ўзидан йўқолиб боради. Буларнинг қундан-қун йўқолиб кетмакда эканини кўриб турғон биз ўзбекларнинг албатта жим турмай, буларни тўплашга ва китоб равишда бостириб тарқатишга ҳаракат этмагимиз тегиш эди. Бу кунларда шу тилакни илгарига суриб ҳаракат қилувчи ўзбек билими ҳайъати ва Билим кенгаши илмий ўринлар бор эсада, бир томондан буларнинг тўплаш ишига қизикқан кишиларнинг бўлмаслиги, иккинчидан халқ адабиётининг энг юксалган ўринларининг тинчсиз бир ҳолда қолиб турғонлиги бу ҳаракатга тўсик бўлиб турмоқди».

## БОЛАЛАРГА

### МОМОГУЛДИРАК

*Май ойи, гуллар чаман,  
Ман мактабдан келаман.  
Ҳаво яхши ва илиқ,  
Ойна сингари тиниқ,  
Гуруллаб товуш келди,*

**Элбек**

*Шамол югуриб, елди.  
Емғир ёға бошлади,  
Юрагимни ғашлади,  
Жим қараб қолдим унга,  
Кўзим тушмади кунга.*

## КЕЧКИ БОЗОРГА МАРҲАМАТ!

ФАРҒОНА вилоятининг Езёвон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан яқиндан буён туман марказида ҳафтада бир кун, яъни жума кунлари кечки бозор ташкил қилинмоқда. Аҳолининг талаб ва истакларига биноан уюштирилган ушбу окшомги бозорга меҳнатқашлар жон-жон деб узок-яқиндан келишмоқда. Уларнинг узогини яқин қилиш учун марказдан жойларга қатновчи махсус автобуслар ҳам қўйилган.

Ахир берча юмушларни икки кун олдин бажариб қўйиб, яқшаба — дам олиш кунини ўзининг ғала-говур бозорга урмай бола-чақани олдида рисоладагидек дам олганга нима етсин!


## ЯҚКАТУТНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

ТОШЛОК туманидаги Яқкатут қишлоғидаги дам олиш масканида таркиби минерал моддаларга бой сув манбаи топилиб, қазиб чиқарилди. Мутахасссларнинг айтишларича, бу сув таркибидаги моддаларнинг акса-

рияти оғрик қолдириш, ўтми ҳамда сийдик йўлларидаги тошни ҳайдаш хусусиятига, жигар ва ўт пуфаклари яллиғланишида, организмда туз алмашинуви бузилганда, қандли диабет, камқонлик каби ўндан ортиқ касалликлар муолижасида жуда яхши самара бериши аниқланди.

Ушбу шифобахш сув чиққан дам олиш масканини келгусида катта санаторийга айлантириш мўлжалланмоқда. Бу иш амалга ошса Фарғона вилоятида кишилар саломатлигини тиклайдиган шифо масканлари яна биттага кўпаяди.

**«Ишонч» мухбири.**



## СЕНТЯБРЬ – ОКТЯБРЬ

## 27 ДУШАНБА

## ЎзТВ I

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Баховуддин Нақшбанд хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро мусобақалар.  
18.35 «Пахта ҳосилини ёнгиндан сақлайлик».  
18.55 Эълонлар.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 Эълонлар.  
19.25 «Ботаника боғида». Телефильм.  
19.40 «Раққоса хиром этганда». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулмира Ширинова.  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
20.25 Эълонлар.  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Ешлик» студияси. «Оталар сўзи—аклинг кўзи».

22.05 «Марду майдон». Жиззах вилоятдан кўрсатув.  
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Афсона—ибн Сино Ватани». Телефильм.  
19.30 «Ассалому алайкум» (такрор).  
20.30 «Бизнинг суҳбат».  
21.00 «Билиб қўйган яхши».  
21.20 «ДАН: Йўлингиз бехатар бўлсин!»  
21.55 «Инсон ва биосфера».  
**«ОРБИТА IV»**  
6.00 Янгилликлар.  
6.35 Эрталабки гимнастика.  
6.45 «Тонг».  
9.00 Янгилликлар.  
9.20 «Нур оҳангларида сайл».  
10.10 «Турмуш икир-чикирлари». Бадий телесериал премьераси.  
18-серия.

10.45 «Мавзу».  
11.30 «Гол».  
12.00 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар.  
15.25 «Телемикст».  
16.10 «Пешвоз».  
16.35 «Умид кўчасида байрам».  
17.20 «Иқболи кулганда».  
18.00 Янгилликлар.  
18.25 Мультифильм.  
18.40 «Гол».  
19.10 «Хужжатлар ва тақдирлар».  
19.20 «Кеча, бугун, эртага». Мария Миронова.  
20.10 «Хафтанинг акс садоси».  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадий телесериал премьераси.  
18-серия.  
21.55 «Спорт уик-энди».  
«Янги студия» таништиради:

22.10 «Бомонд».  
22.25 «АТВ-брокер».  
22.30 «ТВ-галерея».  
22.50 «Мен».  
22.55 «Вибор-2000».  
01.05 «ТВ-Х».  
Танаффус пайтида (24.00)—Янгилликлар.

## «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
8.30 Ишбилармон кишилар даври.  
9.00 «Россияда бизнес».  
9.30 Тонги концерт.  
9.45 «Мутлақо махфий».  
10.45 Хонаки экран. «Васса». Бадий фильм.  
13.00 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.25 Кундузги сеанс. «Илтимос, кечиринг». Бадий фильм.  
14.55 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташла-

ганда». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.  
15.25 Мульти-пульти.  
15.35 Янгилликлар.  
15.50 «Бола тилидан».  
16.20 «Қутқариш хизмати 911».  
17.15 «Трансросэфир».  
18.00—20.00

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.00 Муслик синов. Ёш эстрада артистларининг концерти.  
21.00 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Гувоҳ». Бадий фильм. «Криминал ходисалар» сериалидан.  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 Спорт кўрсатуви.  
22.35 «Экспомаказ таништиради».  
22.50 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Португалия гран-приси.

## 28 СЕШАНБА

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Эй, субҳи сабо...». Лирик концерт.  
7.50 «Қойилмақом Гоша». Мультифильм. 1-2-3 фильм.  
8.00 Мутахассис маслаҳати.  
8.10 «Билиб қўйган яхши».  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 «Алешканинг севгиси». Бадий фильм.  
10.20 «Ешлик» студияси. «Ором кўйнида».  
10.30 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.  
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»—«Наврўз» (Андижон). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади.  
18.50 Кинолава.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.25 «Дилдан чиккан қўшиқлар».

19.55 Дунё воқеалари.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас...».  
21.45 «Абадият қонуни». Телефильм.  
22.00 «Инсон ва замин». Бухорд вилоятдан кўрсатув.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультифильмлар тўплами.  
20.10 «СВ-экспресс».  
20.45 «Алоқалар ва шартномалар».  
21.15 «Меҳр-оқибатли бўлайлик». «Омад таништиради»:  
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».  
**«ОРБИТА IV»**  
6.00 Янгилликлар.  
6.35 Эрталабки гимнастика.  
6.45 «Тонг».  
9.00 Янгилликлар.  
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг».  
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
10.30 «Инсон ва қонун».  
11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.

11.50 «Матбуот-экспресс».  
12.00 Янгилликлар.  
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.  
15.00 Янгилликлар.  
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».  
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».  
16.10 «Ён дафтар».  
16.15 Иш».  
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси.  
16.50 «Компас-эртақ».  
17.50 «Технодром».  
18.00 Янгилликлар.  
18.25 «МДХ: келишмовчиликдан ҳамжихатликка».  
18.50 «Хужжатлар ва тақдирлар».  
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 «Ҳеч нарса ҳақида ре-

портаж».  
21.40 Балет артистлари VII халқаро танлови кундалиги.  
21.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали режиссёр Клод Шаброль фильмлари ретроспективасини таништиради. «Қонли тўй». Бадий фильм премьераси (Франция, Италия).  
23.35 Катталар учун мультифильм.  
24.00 Янгилликлар.  
00.35 «Талаб қилинган кино».  
01.05 Футбол. УЕФА кубоги 1/32 финал. «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия) — «Динамо» (Москва, Россия). 2-тайм. Германиядан олиб кўрсатилади.  
02.00 Гольф бўйича Россия очик чемпионати.  
02.30 «Матбуот-экспресс».

## «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
8.30 Ишбилармон кишилар даври.  
9.05 «45». Публицистик кўрсатув.  
12.00 Юбиларнинг фильмотекасида. «Тарелкиннинг ўлими». Г. А. Повстоногов сахналаш-

тирган. 1-серия.  
13.00 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.20 «Тарелкиннинг ўлими». 2-серия.  
14.30 Бал рақслари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.  
15.05 Миллий сиёсат хроникаси.  
15.25 Янгилликлар.  
15.40 «Рост» студияси.  
16.10 «Телегазета».  
16.15 Духовий мусика концерти.  
16.45 «Трансросэфир».  
17.30 «Ҳақиқатни асровчилар». «Петербургнинг кичик сирини».  
18.00—20.35

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.35 «Асил ҳолича...»  
21.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 224-серия.  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».  
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.45 А. Д. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида.

## 29 ЧОРШАНБА

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Қўлга олдим созимни».  
7.50 «Қойилмақом Гоша». Мультифильм. 4-5-6 фильм.  
8.00 Дунё воқеалари.  
8.15 «Қувноқ болалар».  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»  
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.  
9.10 «Янгра, кўнелим...» Концерт.  
9.45 «Шифоркор олим».  
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 «Ешлик» студияси. «Ишонч».  
18.40 «Хирмонингизга барака».  
18.55 Эълонлар.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 Эълонлар.  
19.25 «Тасвирдаги қўшиқ». Ҳай-

калтарош Нозилов.  
19.55 «Вайгач». Телефильм.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.  
21.10 «Ўзбекистон—Ватаним миним». Видеофильм.  
22.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг «Анор» телевизион таллови.  
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Политотдел» (Тошкент вилояти)—«Нефтчи» (Фарғона). 2-тайм (ёзиб олинган).  
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Спринт».  
19.45 «Ишбилармонлар».  
20.25 «Дунё эшиги».  
21.05 «Чорак асрлик йўл».  
21.45 «Анор ҳосили».  
**«ОРБИТА IV»**  
6.00 Янгилликлар.  
6.35 Эрталабки гимнастика.  
6.45 «Тонг».  
9.00 Янгилликлар.  
9.20 «Компас-эртақ».

10.20 «Савдо кўприги».  
10.50 «Вилоят саломи» (Ростов-Дон).  
11.15 Беларусь Республикаси Давлат симфоник оркестри ва Смоленск рус халқ оркестрининг концерти.  
11.50 «Матбуот-экспресс».  
12.00 Янгилликлар.  
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.  
13.25 «Бошқа кишилар». Телевизион хужжатли фильм премьераси.  
15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
15.25 «Телемикст».  
16.10 «Ён дафтар».  
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси.  
16.40 «Командор ороллари». Илмий-оммабоп фильм.  
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».  
17.20 «Учар уй». Кўп серияли мультифильм премьераси.  
17.50 «Технодром».  
18.00 Янгилликлар.  
18.25 Эфирда—Давлатлараро

«Мир» телерадиокомпанияси.  
18.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия) — «Динамо» (Москва, Россия). Германиядан кўрсатилади.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 Янгилликлар.  
21.20 «Рус дунёси».  
22.00 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва)—«Сконто» (Рига). «Лужники» катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади.  
22.55 «Максима».  
23.25 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.  
23.45 «Матбуот-экспресс».  
24.00 Янгилликлар.  
00.40 «MTV».

## «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
8.30 Ишбилармон кишилар даври.  
9.00 Христианлар учун кўрсатув.  
9.30 «Асил ҳолича...»  
10.25 Футбол. УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва)—«Ювентус» (Турин). 1-тайм. «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.

12.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 224-серия.  
13.00 Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.20 «Сиз яратган боғ».  
13.50 Кундузги сеанс. «Бир бор экан, бир йўқ экан, чол билан кампир бўлган экан». Бадий фильм.  
15.40 Телегазета.  
15.45 «Трансросэфир».  
16.30 Янгилликлар.  
16.45 Мульти-пульти.  
16.55 «Рус ижозатномаси».  
17.25 «Рек-тайм».  
18.00—20.30

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 225-серия.  
21.20 «Экспомаказ таништиради».  
21.25 «Анапа-93».  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 «Телевача».  
23.15 «Кёшша хузурида».  
23.45 Криминал хабарлар экрани.

## 30 ПАЙШАНБА

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 Ўзбек халқ кўшиқларидан концерт.  
7.50 «Наташа учун эртақ». Мультифильм.  
8.00 «Қувноқ болалар».  
8.20 «Тогларда куз». Телефильм.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз».  
9.00 «Матбуот саҳифаларида».  
9.10 «Сехрли саргузашт». Бадий фильм.  
10.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
10.35 Авторалли. «Сўғдиёна—93».

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Ўсмирлар учун. «Улғайиш погоналари».  
18.40 «Бахтли онлар». Телефильм.  
18.55 Эълонлар.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Осейишталик посбонлари». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.  
19.40 «Муслик учрашувлар». Жиззахликлар хузурида.  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Кўнглида Ватан». Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида ижтимоий-иқтисодий ислоҳот ҳақида.  
21.50 «Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 Болалар учун. «Табассум».


20.00 «Пульс». Хабарлар.  
20.15 «СВ-экспресс таклиф этади: «Ниҳол телешоуси».  
21.35 «Зайнаб Каримова куйлайди».  
22.10 «Пульс» Хабарлар. «Омад» таништиради:  
22.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».  
**«ОРБИТА IV»**  
6.00 Янгилликлар.  
6.35 Эрталабки гимнастика.  
6.45 «Тонг».  
9.00 Янгилликлар.  
9.20 «Кидди-Видди».  
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
10.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
11.10 «Рус дунёси».  
11.50 «Матбуот-экспресс».  
12.00 Янгилликлар.  
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион

бадий фильм. 6-серия.  
13.35 «Яшаш муҳити». Телевизион бадий фильм. (Италия, 1960 й).  
14.45 Мультифильм.  
15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
15.25 «Телемикст».  
16.10 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси.  
16.40 «Сиз бунга қодирсиз».  
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 «Кўнгир айқлар соҳили». Телефильм.  
18.55 «Хужжатлар ва тақдирлар».  
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
19.50 «Майкл Джексон Москвада».  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.  
21.25 Кино асри. «Тун». Бадий фильм. (Италия, 1960 й).  
23.20 Б. Третьяков. Николо Паганини асарларини ижро этади.  
23.35 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси. «Динамо»—«Крилья Советов»... Лужники Кичик спорт майдонидан кўрсатилади. Танаффус пайтларида—Янгилликлар. «Матбуот-экспресс».

## «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
8.30 Ишбилармон кишилар даври.  
9.00 «Ишнинг кўзини билган одам».  
9.30 Тонги концерт.  
9.45 «Трансросэфир».  
10.30 «К-2» таништиради. «Халқ фраки».  
11.25 Мульти-пульти.  
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий теле-



фильм. 225-серия.  
12.40 «Мансаб алифбоси».  
13.00 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.20 «Экзотика».  
14.20 «Кутқариш хизмати 911».

15.15 Мульти-пульты.  
15.25 «Тилла шпора».  
15.55 «Рост» студияси. «Мусликий синф».  
16.25 Янгилликлар.  
16.40 «М-трест».

16.55 «Маориф мевалари».  
17.40 Параллеллар. «Аптекачи-93».  
18.00—19.55  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.55 Хонаки экран. «Санта-Бар-

бара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 226-серия. 20.50 «Антреприза». О. Басиллашвили.  
21.45 Катталар учун мультфильм.  
22.00 Туркия телевидениеси. Ха-

барлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 «Сиёсат майдонида».  
23.20 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.  
23.50 Мусликий программа.

## 1 ЖУМА

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 Эстрада концерти.  
7.50 «Бойликдан афзал». Мультфильм.  
8.00 «Мутахассис маслаҳати».  
8.10 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»  
9.00 «Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади». Бадий фильм.  
10.30 Ўқув кўрсатуви: Информатика ва замонавий ахборот технологияси.  
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 «Ёшлар ва маънавият».  
18.45 «Оддий кун». Телефильм.  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 Ўзлонлар.

19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова куйлайди.  
19.55 «Дунё воқеалари».  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Ўзбекистон ва жаҳон».  
21.30 «Ойдинлик». Омон Мухтор.  
22.00 «Бўрондаги олишув». Бадий фильм.  
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Шах ва илҳом».  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 1-серия «Ихтиёр ўзимда эмас».

## «ОРБИТА IV»

6.00 Янгилликлар.  
6.35 Эрталабки гимнастика.  
6.45 «Тонг».  
9.00 Янгилликлар.  
9.20 «Қорли олти кун». Болалар учун телевизион бадий фильм.  
10.30 В.-А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун 3-соль мажор концерти.  
11.00 «Саёхатчилар клуби».

11.50 «Матбуот-экспресс».  
12.20 «Америка М. Таратута билан».  
12.50 А. Н. Островский. «Омад хамиша келавермайди». Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.  
15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
15.25 «Бридж».  
15.50 «Бизнес-класс».  
16.05 «Ён дафтар».  
16.10 «Мусликанинг яратилиши». Хужжатли фильм премьераси.  
16.30 «Ҳайвонот оламида». Режиссёр А. Згуриди фильмлари.  
17.30 «Мен ўтмиш тўғрисида орзу ҳам қилмай қўйдим». Москва актерлар хайрия фонди.  
18.00 Янгилликлар.  
18.20 «Қайтиш».  
18.40 «Инсон ва қонун».  
19.15 «Америка М. Таратута билан».  
19.45 «Мўъжизалар майдони».  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».  
21.40 «Детективлар клуби» да.

«Марлов—хусусий изкувар». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Буюк Британия).  
22.40 «Матбуот-экспресс».  
«ВИД» таништиради:  
22.55 «Сиёсий бюрос».  
23.30 «Музобоз».  
00.45 «Автошоу».  
01.15 «Обоз» майдончаси. Танаффус пайтида (24.00)—Янгилликлар.  
02.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

## «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
8.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
8.30 Ишбилармон кишилар даври.  
9.00 «Экспресс почта кафолат беради...»  
9.10 «Ватаним менинг...» 1-қисм.  
10.05 «Ватаним менинг...» 2-қисм.  
11.35 «Маски-шоу».  
12.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм 226-серия.  
13.00 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.20 «Оқ қарға».  
14.05 Театр сафари. «Кувнок спектаклдаги мунгли мусиқа».

14.45 «Параллеллар».  
15.00 Жума кунлари Дисней. «Буни мардик деб атасак бўлади». Бадий фильм.  
15.50 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали.  
16.20 Янгилликлар.  
16.35 «Трансросэфир».  
17.05 В. Артемов. «Кун ёришмода». М. Растропович раҳбарлигидаги Лондон симфоник оркестри ижро этади.  
17.55 «Телегазета».  
18.00—19.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.45 «Мусликий мозайка».  
20.30 Биз севган комедиялар.  
«Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 1-серия.  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 Спорт кўрсатуви.  
22.40 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 2-серия.  
23.45 «Генераллар ва Сибирь чипқони». Хужжатли фильм премьераси.  
00.40 «Сигнал».  
00.55 «К-2» таништиради. «Кинограф».

## 2 ШАҲБА

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Ёр ва диёр тароналари».  
7.50 «Беадаб бола». Мультфильм.  
8.00 «Дунё воқеалари».  
8.15 «Шифокор маслаҳати».  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.  
9.10 «Мақом сирлари». Бадий фильм.  
10.40 Француз тили.  
11.10 «Анъана ва замон».  
11.40 «Қизил Яримой шуъласи».  
12.20 «Яна муқаббат ҳақида».  
13.20 «Бурчга садоқат».  
18.00 «Ойгул». Болалар учун фильм-концерт.  
18.30 Футбол майдонларида.  
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 Ўқитувчилар кунига. «Устоз ва мураббий».

20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Кинолаҳза.  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Ислохот одимлари». Мамлакатимизда деҳқон-фермер хўжалигини ривожлантириш.  
21.45 Дала меҳнатқашлари учун концерт.  
22.20 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».  
23.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

## ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.20 «Бутун умр давомида». Телефильм.  
19.40 «Замонавий ўзбек кўшиқларининг «Анор» телевизион танлови (25 август кундан такрор).  
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 2-серия «Яшаш шарт».

## «ОРБИТА IV»

6.50 Эрталабки гимнастика.  
7.00 «Матбуот-экспресс».  
7.10 «Ишбилармон кишининг шаҳба тонги».  
7.55 Янгилликлар.  
8.35 «Спорт-имконият».

9.05 «Марафон-15»—кичкинтойларга.  
9.35 Эфирда—Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.  
11.00 «Авиакосмик салон».  
11.15 «Муқдор алифбоси».  
11.25 «Мусликий дўқон».  
11.55 «Веди».  
12.40 «Хуқумат кишилари».  
12.55 Балет артистлари VII халқаро танлови ғолибларининг концерти. Давлат академик Большой театридан кўрсатилади.  
15.00 Янгилликлар.  
15.25 «Пеппи Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.  
16.55 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.  
16.25 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Кўхна автомобиллар пойгаси.  
17.05 «Виктория». Россия Темирйўл кўшинларининг 75 йиллиги.  
18.25 «Қизил квадрат».  
19.05 «Янгра, гармонь». Смоленскдан кўрсатилади.  
19.50 «Колумбия пикчерс» таништиради. «Ти Джей Хукер». Кўп серияли телевизион бадий фильм

премьераси. 7-фильм.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 «Колумбия пикчерс» таништиради. «Бундан бунё ва асрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм, 2-қисм.  
22.10 «Резонанс» студияси таништиради.  
22.30 «Брейн ринг».  
23.20 «Матбуот-экспресс».  
ТУНГИ КАНАЛ:  
23.30 «Паст звезда». Ҳаммаси мода ҳақида.  
00.40 «Раундеву». «Романтик меҳмон».  
01.25 «Рок соатлар атрофида». Мусиқа ўйин. Танаффус пайтида (24.00)—Янгилликлар.

## «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
8.25 «Ватанга қайтиш».  
8.50 Мульти-пульты.  
9.00 «730-формула».  
9.30 «Бурда моден» тавсия этади...  
10.00 «Рост» студияси. «Яқунлар», «Бизнинг Аралаш».

10.30—14.30  
ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ  
14.30 «Кўргазмадан манзаралар».  
14.45 «Чегарасиз футбол».  
15.45 «Фильмлар—премьераси».  
16.00 Балтика «Юлдузлар туркуми узра».  
16.30 «Шарман-шоу».

18.00—20.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
20.00 «Уинстон Черчилль—чўккига йўл». Кўп серияли бадий фильм премьераси. 1-серия.  
21.00 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгилликлари.  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 Спорт кўрсатуви.  
22.35 «Ашула ўқитувчиси». Бадий фильм.  
24.00 «Репортер».  
00.15 «Кечки салон».

## 3 ЯКШАҲБА

## ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».  
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.30 Ўқитувчилар кунига. «Ал-Хоразмий ватандоши». Телефильм.  
8.50 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм. (Ҳиндистон). 34—35 сериялар.  
10.30 Ҳинд тили.  
11.00 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».  
11.35 «Бола бошидан». Мактабга тарбия масалалари.  
12.15 «Виргаликда куйлаймиз».  
12.45 Хитой тили.  
13.15 «Халқ ижодиёти».  
13.45 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар—фахримиз».  
14.25 «Ёшлар куйлаганда».  
18.00 «Билмасвой кўёшли шаҳарчада». Мультфильмлар.  
18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гуначалари».  
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).  
19.20 «Ойнаи жаҳонда».

19.45 «Актёрлар ва роллар». Муҳаммад Абдуқундузов.  
20.30 «Ҳафтанома».  
21.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Муҳаммаджон Мирзаев таваллудининг 80 йиллиги олдидан.  
22.30 «Шоқол қопқони». Бадий фильм.  
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

## ЎзТВ II

17.00 «ОМАН» таништиради.

## «ОРБИТА IV»

6.45 Эрталабки гимнастика.  
6.55 «Рухни чиниктириш».  
7.55 Янгилликлар.  
8.30 «Автошоу».  
9.00 «Марказ».  
9.30 «Эрта сахарлаб». «Денвер—дьянозаврларнинг энг сўнгиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
10.00 «Ҳамма уйдалигида».  
10.30 «Спортлото» тиражи.  
10.45 «Тонг юдузи».  
11.35 «Ақлли қизлар, ақлли болалар».  
12.15 «Полигон».  
12.50 «Янги авлод...» «Муваффақият».  
13.20 «Муҳофаза ёрлиги».

«КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ канали» таништиради  
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
14.10 «Кусто командасининг сувоисти одиссеяси». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.  
15.00 Янгилликлар.  
15.20 Мультфильм.  
15.30 Эфирда Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.  
16.10 «Саёхатчилар клуби».  
17.00 «Хунарли хор бўлмайди».  
17.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина оловчилар».  
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатуви.  
18.45 Янгилликлар.  
19.05 М. Захаров серпантини.  
20.05 Экранда биринчи марта. «Френч канкан». Бадий фильм (Франция).  
22.00 Янгилликлар.  
22.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.  
22.55 Футбол. Россия чемпионати. «Ротор» (Волгоград)—«Спартак» (Москва). 2-тайм. Волгограддан кўрсатилади.  
23.45 Катталар учун мультфильм.

24.00 Янгилликлар.  
00.15 А. Д. Сахаров номидаги II халқаро санъат фестивалининг яқунловчи концерти. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

## «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
8.25 «Ғоянинг жиловини тутган одам». Хужжатли фильм премьераси.  
8.55 «Хайрли тонг».  
9.25 «Қарама-қаршиликлар».  
10.05 «Рост» студияси. «Кунин узайтирилган гурӯҳ», «Бизнинг «Аралаш»».  
10.35 «Агар сиз...»  
11.05 «Ати-бати...»  
11.35 «Кипрас Мажейка». «Кичик Европадан репортажлар».

## 12.05—16.10

## ЎЗБЕКИСТОН

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

16.10 «Ҳайвонот оламида».  
17.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».  
18.00—20.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
20.00 Си-Би-Эс кинотеатри.

«Хавфли парвоз». Бадий фильм.  
21.45 «Октябрь ойидаги кинолар».  
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
22.25 Спорт кўрсатуви.  
22.40 Владимир Познер Америкаси.  
22.55 «Ой тўлишган тунда».  
24.00 «А» программаси.  
01.00 Мотопоёга бўйича жаҳон чемпионати. Америка Гран-приси.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиздан олинди».

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси кенгаш масъул ходими М. Ғ Сайфутдиновга оналари **Муслима ая САЙФУТДИНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



**ОЛТИНКУЛЛИКЛАР**, чинободликлар, яна шу атрофдаги бир неча қишлоқлардаги аҳоли энди мутлақо соғлом юрадиган бўлди!

— Тиббиёт ходимлари тараққиётнинг юксак талаблари даражасида ишлаётгандур,— дейсизми?

— Тополмадингиз.

— Энг зўр экстрасенс табиб...

— Яна адашдингиз. Экстрасенсман, табибман деб ора кунда олти қайтадан матбуот, телевидение орқали ўзини-ўзи тарғиб қилаётганлар тикилиб ётибди. Лекин олтинкўлликларнинг соғлом бўлиш йўлларини ўзлаштириши улар туфайли эмас. Барибир тополмайсиз шекилли, шаҳар бера қолинг. Бердингизми? Бўпти ўзим айтаман.

Андижон вилоятига қарашли транспорт мутасаддиларининг энг элпарварлари туфайли. Ишонаверинг.

— Олтинкўлга бориб ўз кўзим билан кўраман,— дейсизми?

— Марҳамат. Нафақат кўрасиз. Ўзингиз ҳам бир курс даво олиб келасиз. Бунинг учун Андижон шаҳрининг Эски шаҳридаги бозор қаршисига жойлашган бекатга келасиз. Ҳақиқий даволанмоқчи одам кундуз соат 15 яримдан кейин келади-да, «Олтинкўлгами, Қўштепагами, Чинободгами бораман» деб ниёз қилади. Кутиб туради (ўтириш учун жой бўлмаслиги мумкин) бир соат, икки соат, уч соат.

## СОҒЛОМ БЎЛИШ ҲАҚИДА АНЖОНЧА ТАВСИЯ

Автобус йўқ. Нега деб сўраманг. Даволаш усули шунақа. «Андижон-Олтинкўл», «Андижон-Қўшқўприк», «Андижон-Ганжиравон», «Андижон-Чинобод», «Андижон-Сарой», «Андижон-Мадиярчек», «Андижон-Алам» маршрутлари бўйича қатнайдиган автобуслар шофёри билан қаёққадир кетган бўлади. Хуллас, Олтинкўлга бориш учун 7 хил автобус бўлса-да, бирортаси ҳам соат 16 дан кейин бекатга келмайди. Биронта адашиб қолиб кетганига спортнинг бокс, гимнастика, югуриш турларини машқ қилган ҳолда чиқиб олишга ҳаракат қилинг. Тумонат одам ичида гоҳ бир оёқлаб, гоҳ иккала оёққа ҳам жой топилмай кетаверинг. Роса терлайсиз. Ҳар қандай касалингиз ҳам шу тер билан чиқиб кетади. Энди манзилга... Йўқ, шошмай туринг, дарров манзилга етсангиз, даволаш ярим бўлиб қолади. Олтинкўлнинг ярим йўлида РТС деган бекат бор. Вақт 18 дан ошгандан кейин сиз 2 соат кутиб чиққан автобус шу ерда жойлашган гаражга боришини эълон қилади. Марҳамат, яхшилаб терлаб олдингиз, энди автобусдан тушинг. Ҳали Олтинкўлга яна 7 чақирим бор дейсизми? Нима бўпти? Бозордан қайтаётган бўш тоғора, пақир, бир неча қопу этак кўтариб олган бозорчи деҳқонлар билан ким тез юриш мусобақаси ўйнайсиз. Буям спорт, ахир. Гоҳ секин, гоҳ тез, гоҳ ҳансираб кетаверасиз. Кетаверасиз. Аҳён-аҳёнда ўтаётган турфа машиналарга кўл кўтарасиз. Улар тўхтаса... (чўнтагингиз бакуватми ишқилиб) чиқасиз, тўхтамаса йўлда давом этасиз. Битта маслаҳат куннинг ботишини, уйда бола-чақанинг ёлғиз қолганини, қоронғи тушиб, қаттиқ чарчаганингизни сира хаёлга келтирмайсиз. Мен элпарвар одамлар шарофати билан соғлом бўлишга ҳаракат қилаяпман, деб ўйлайсиз. Олтинкўл маркази ва ундан наридаги бир неча қишлоқ аҳолиси шундай қилапти-ку. Ахир пиёда юриш мускулларингизни чиниктиради. Асабингизни тинчлантиради. Сиз эса соғлом бўласиз. Қалай, зўрми?

— Олтинкўлга қатновчи транспортлар идораси мутасаддиларининг ўзи ҳам мана шундай спорт билан шуғулланиб соғлом юрадиларми?— дейсизми?

— Қайдам. Буни уларнинг газета орқали берган жавобларида кўраман.  
**Замира РҮЗИЕВА.**

## ҚАТРАЛАР

— Не, Ҳошимжон, яна бошқа ишга ўтдингми?

— Ҳа, бир йилга қирқ хунар оз эканлигини исбот қилмоқчиман.

Чорраҳадан ўтаётган йўловчини милиционер тўхтатди:

— Гражданин, сиз йўл қондасини буздингиз.

— Адашдингиз, менинг отим гражданин эмас, Ҳасан!

— Эшитдингми, Илҳом, синфдошимиз учувчи бўлган эмиш.  
— Учувчи эмас, овсар, ичувчи.

Эзма ўқитувчи дарсни тушунтириб-тушунтирмай ўқувчиларга юзланди:

— Саволлар борми?  
— Қачон танаффус бўлади, домла?

Хаёл суриб ўтирган ўзувчидан милиционер сўради:

— Нима қяляпсан?  
— Қочиб кетган илҳомимни қай-

тишини кутяпман.

— Фамилияси нима?

Ўзувчини дўстлари эгизак фарзанд кўргани билан муборакбод этишарди.

У қулиб жавоб қайтарди:

— Ҳа, нашриётда битта асарим босмадан чиққунча, туғруқхонадан иккитаси босмадан чиқди.

**Тошпўлат ТУСНАЗАРОВ,**  
Фарғона вилояти, Данғара туман,  
Тельмин қишлоғи. «Қашқар» алоқа бўлими.



Аям бувимларни кўргани кетдилар, мен яхши қиз бўлиб уйда қолдим.

Суратчи: А. МАМАДАМИНОВ

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

«Наҳор» дастаси (Баҳор)  
Қамгарга-жамол (Қамол)  
Севги пудрати (Қудрати)  
Тандирга тан берди (Тақдирга)  
Қош омон бўлса... (Бош)  
Ҳурмат пахтаси (Тахтаси)  
Жаҳон халқ эркалари (Эркалари)

Миллий муסיқа арбоби (Асбоби)  
Назм ва ҳаво (Наво)  
Дунё хатарлари (Хабарлари)  
Чайқовчининг жойи мазор (Бозор)  
Қилич ва талқон (Қалқон)

Суяндик ИМОМҚУЛОВ,  
Ғаллаорол.


## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 5. Фарғона вилоятидаги қадимий шаҳар. 6. Қадимда деҳқонлардан олинган солиқ. 9. Қовун сайларида ўтказиладиган кўрик. 10. Савдо-сотик соҳаси мажмуи. 11. Ер қуррасидаги энг баланд тоғ тизмаси. 13. Ўтмишда Шарқ мамлакатларида қурол-ароғлар омбори мутасаддиси. 14. Жонивордан олинган тўқимачилик ашёси. 17. Тошкент вилоятидаги шифобахш оромгоҳ. 21. Ливия давлати пойтахти. 22. Қадимда Бухоро ҳукмдорлари пойтахти бўлган, шаҳар ҳаробаси. 23. Тарихий воқеа-ҳодисалар қайд этилган бадий асар. 24. Ерга яқин эсадиган совуқ шамол. 25. Саудия Арабистонидаги, Ислом дини юзага келиб, мусулмонлар жамоасига асос солинган шаҳар. 26. Судлов муассиси тизими.

Бўйига: 1. Ойнинг Қуёш ва Ер билан тахминан бир тўғри чизикда жойлашган ҳолидаги кўриниши. 2. Меvasи ширин, бута ўсимлиги тур. 3. Ўткир хидли, шифобахш гиёҳлардан бири. 4. Шри-ланка давлати пойтахти. 7. Сув кучи билан ҳаракатланадиган қурилма. 8. Ўзбекистондаги вилоят маркази. 12. Отлар подаси. 13. Еғингарчилик. 15. Амалга ошмаган орзу истак. 16. Овруқнинг жанубидаги ярим орол. 17. Бухоро амирлигининг сўнги ҳукмдори. 18. Подшоҳ хонадонининг ҳукмдор бўлмаган аъзои. 19. Ўзбекистон халқ шоири, ғазалнависи. 20. Адабий-бадий журнал.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

11 сентябрда эълон қилинган БОШҚОТИРМАНнинг жавоби  
Энига: 7. «Муножот». 8. Даромад. 10. Хива. 11. «Ироқ». 12. Рубоб. 13. Минора. 15. Адолат. 17. Абдураҳимов, 20. Достон. 22. Алифбе. 23. Асбоб. 24. Жума. 26. Омоч. 27. Сицилия. 28. Зарипов.  
Бўйига: 1. Муқимий. 2. Лола. 3. Лочира. 4. Ғалаба, 5. Гоби. 6. Матонат. 9. Жибжижабон. 14. Радио. 16. Далил. 18. Лоҳутий. 19. Аббосов. 21. Натрий. 22. Абакан. 25. Адир. 26. Оқим.



## Билмиб кўйган Яхши

● Ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида шамсий календардан фойдаланилмоқда.

● Қамарий йил шамсий йилдан 10—12 кун қисқадир.

● Рим шаҳрининг афсонавий асосчиси Ромул даврида, яъни милоддан илгари VIII аср ўрталарида римликлар қўллаган календар бўйича йил 10 ойдан, жами 304 кундан иборат бўлган.

● Дастанда рим календариде ойлarning номи бўлмаган. Шунинг учун улар рақамлар билан ифодаланган. Йил эса баҳорга тўғри келадиган ойнинг биринчи санасидан бошланган.

● Кабиса йили император Август календарини ўзгартирган даврдагина қонунлаштирилган. Унга кўра, ҳар тўртинчи, яъни рақами 4 га қолдиқсиз бўлинадиган йил Кабиса йили ҳисобланади. Масалан, 1976, 1980, 1992 йиллар Кабиса йилидир. 1793 йил 5 октябрида Миллий вакиллар мажлисининг қарори билан бутун Францияда янги календар жорий этилди. Янги календарга ўтилгандан кейин Францияда биринчи январь шубҳа остига олиниб, уни янги йил бошланishi сифатида байрам қилиш қатъиян ман этилган. Шу кун почтаоналарда барча хатлар ўқилар, янги йил, табриги битилган хатлар дарҳол йўқ қилинади.

● Энг биринчи қамарий календар Бобилда милоддан аввалги учинчи минг йиллик ўрталарида яратилган.

● 1700 йилнинг 1 январидан бошлаб Пётр I нинг Фармонида биноан Россияда ҳар йили январь Янги йил байрами тарзида нишонланадиган бўлган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.



## ФИНАЛГА ҲОЗИРЛИК

• **ЎЗБЕКИСТОН** касба уюшмалари кўнгилли физкультура ва спорт жамияти Республика кенгаши 1993 йилда меҳнаткашларнинг республика-тармоқлараро спартакиадалари финал мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий кўмитасининг йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон касба уюшмалари

Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова олиб борган бу йиғилишда «Меҳнат ва соғломлаштириш», «Орзу» деб аталган спартакиадаларнинг босқичма-босқич ўтказилиш муддатлари белгилаб олинди. Финал мусобақаларни ўтказишга доир Низомга баъзи бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритил-

ди. Ташкилий кўмитанинг иш режаси тасдиқланди. Мусобақа ташкилотчиларининг уни кўнгилли ўтказиш борасидаги фикрлари ўртоқлашиб, финал беллашувлар шу йил сентябрнинг охири ва октябрнинг ўрталарида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида ўтказиладиган бўлди. Финалга ҳар томонлама ҳозирликни кучайтириш тадбирлари белгиланди.

**Н. ҚОСИМОВА,**  
«Ишонч» мухбири.

УЧ ҲАФТА илгари бошланган мусобақага ниҳоят Елисей майдонидаги сўнгги Тур де Франс босқичида яқун ясалди. Ундаги финал спринтида ўзбекистонлик велопоёғачи Жалолиддин Абдужабборов ғолиб чиқди. Тур де Франс велосипед пойгаси сўзсиз йилнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Уни миллионлаб ишқибозлар завқ билан томоша қилдилар.

Велосипед бўйича Тур де Франс пойгасига 1903 йилда асос солинган эди. Уша йили 2428 километрлик олти босқичлик мусобақага старт берилганди. Бироқ мусобақа тор доирада ўтган эди. 61 катнашчининг айримлари умумий саралаш мусобақаларида катнашган бўлса, айримлари ўзлари танлаган босқичда иштирок этган эдилар.

1919 йилда «Сариқ майка» соврини таъсис этилди. Чунки мусобақа ташкилотчиси «Ото» газетаси шу рангда чоп этиларди. Уша йилги мусобақада сариқ майка француз Эжен Кристофга насиб этди.

Велопоёғача энг узун масофа 1926 йилда забт этилди. Бу масофа 5745 километрлик ташкил этарди. Энг қисқа масофа 1904 йилдаги мусобақада 2338 километр этиб белги-ланган эди. 1903 йилдан 1993 йилгача бўлган даврдаги (икки жаҳон уруши даврида Тур ташкил этилмаган) 80 та мусобақада мусофага сазовор бўлганлар рўйхатини 36 француз, 16 белгиялик, 8 итальян, 6 испан, 6 люксем-

### ЕЛИСЕЙ МАЙДОНИ ҚИРОЛИ

бурглик, 6 америкалик, 2 швейцар, 2 голланд ва битта ирланд тўлдирган эди.

Бу йилги Тур де Франс 3—25 июль кунлари бўлиб ўтди. Мусобақа ўтказилган масофа 3720 километрлик ташкил этди. Бу Тошкент ва Хива ўртасидаги масофадан қарийб тўрт марта узун бўлиб, 20 та босқичга бўлинган эди. 3 июль шанба кунини Венфеддаги Пюй дю Фрудан старт олган 180 катнашчидан фақат 36 нафари 25 июль кунини Париждаги финишга кириб келди. Испан Мигель Эндюрэн қаторасига учинчи йил ғолиб чиқди. У 3720 километрлик масофани 95 соат 57 минут ва 9 секундда босиб ўтиб энг юқори кўрсаткичга эришди.

Тур де Франс — 93 да ўзбек велопоёғачиси Жалолиддин Абдужабборов ҳам бир неча ғалабани қўлга киритди. Умумий саралашда у фахрий 76 ўринда турни тамомлаб, испан Эндюрэн билан икки соат фарқ қилиб ўз рўйхатига босқичлар бўйича учта ғалабани ёзиб қўйди. Жумладан, Елисей майдонида ўтказилган сўнгги босқичдаги спринт бўйича мусобақада ғолиб чиқди. Бундан ташқари Ж. Абдужабборов «Яшил майка»ни ҳам қўлга киритди. Демак у умумий саралашда 298 балл тўплаб, баллар бўйича биринчи ҳисобланди.

Шундай қилиб, Тур де Франс — 93 пойгасида Ж. Абдужабборов энг катта ютуқлардан бирига эришди. Бундан буён унинг қўли янада баланд бўлишига ишонгимиз келади.

### ЎЗИГА ХОС КҮРИК

НАМАНГАНда энгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Жаҳон Чемпионати, Осиё ва Олимпиада ўйинлари олдидан бўлиб ўтган бу турнир республикамиз спортчилари учун ўзига хос кўрик бўлди.

Мусобақада Андижон ва Тошкент вилояти спортчилари совринли ўринларни эгаллашди.

### ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

ХАЛҚ таълими ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кўмитаси фақат маорифий ишлар билан шуғулланиб қолмай балки педагогларнинг саломатликларини тиклаш, оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш борасида ҳам жонкуярлик билан иш юритаяпти. Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган «Ўзбек полвонлари» мусобақаси вилоятда жуда катта тадбирга айланиб кетди. Иштирок этган юзга яқин полвонларнинг чиқишларини мутахассислардан иборат 12 кишилик ҳакамлар хайъати баҳолаб борди.

Биринчи ўрин Асака шаҳар халқ таълими ходимлари жамоасига насиб этди. 693 очко жамлаган бу жамоага пул мукофотлари ва эсдалик совғалари берилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Андижон шаҳар ва Булокбоши тумани жамоалари эгалладилар. 60,70 ва 80 килограм вазни полвонлар беллашувида асакалик М. Иноков, О. Давидов, Р. Қорабоев, Р. Мажидовлар ғолиб деб топилдилар. Энг оғир вазни полвонлар мусобақасида шаҳрихонлик Обиджон Норматов ютиб чиқди.

«Ишонч» мухбири.



Тўп учун кураш.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

## ФУТБОЛ

### КАЛЕЙДОСКОПИ

• **ИККИ ЮЗ** йилдирки Бабадан шаҳрида (Фарбий Ява) анъанавий «оловли тўп» мусобақаси мунтазам равишда ўтказиб келинади. Унда одатда маҳаллий мактабларнинг битирувчилари «тўп» суришади. Гап шундаки, уларнинг тўплари нефтга булаб олинган кокос ёнғоғи бўлиб уни ёқишади ва ўйинга ташлашади. Мусобақалар одатда тунда ўтказилади. Шунда ёниб турган «тўп» томошабинларга яхши кўринади.

• **ФУТБОЛ** ҳаками Матъе ўйиндан сўнг ишқибозлар хужуми-ю ундан ҳафа бўлган жамоа дағдағасидан кўркмай стадиондан хотиржам чиқиб кета оладиган яқкаю яғоңа арбитр бўлса керак. Чунки унинг шахсий кўрикчиси бор-

дир. У ҳам бўлса Матъенинг турмуш ўртоғи бўлиб, у полиция мактабларидан бирида дзю-додан дарс беради. Баъзи ҳовликмалар ўйиндан сўнг бу аёлдан ўз «насибаларини» олганлар.

• **МЕДИЦИНА** амалиётида бундай воқеа учрамаган бўлса керак. Бирменгемлик врачлар ўз беморлари Рою Ритчерга футбол ўйинларини томоша қилишга рецетт ёзиб берганлар. Ритчер гипотемия билан оғриган бўлиб, унинг қон босими ниҳоятда паст бўлган. Маҳаллий футбол клубига ишқибоз эканлигини ҳисобга олган врачлар зора ўйин пайтида унинг қон босими кўтарилиб соғлиги яхшиланса, деб умид қилганлар.

• Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

• Офсет усулида босилди.

• Формати А-3 ҳажми 4 босма табоқ.

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузурдаги «Шарқ»

• нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

• Буюртма Г-556

1 2 3 4 5 6

## Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят мухбири),  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

### БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

### ВИЛОЯТЛАРДАГИ

#### МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ

#### ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-31-41;
- Навонийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40;
- Қаршида — 5-33-71;

• Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят востачилик қилмайди. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувдаги нархи 25 сўм.

- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 24 сентябрда топширилди.

• Навбатчи масъуллар:

Акмал АҚРОМОВ,  
Санъат МАХМУДОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 65030 нусхада босилди.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.